

Фарғона вилоят  
Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўринбой СЎФИЕВ

# СЎХНОМА:

*тарих ва истиқлол  
одимлари*



«Фарғона» нашриёти,  
2013 йил

УЎК: 94(575.1)  
КБК: 63.3(5Ў) -  
С99

**Такризчилар:**  
**М.Исомиддинов,**  
*тарих фанлари доктори, профессор*  
**Р.Арслонзода,**  
*тарих фанлари номзоди, доцент*  
**Сиддик Мўмин,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**С99 Сўфиев, Ўринбой**

Сўхнома: тарих ва истиқлол одимлари: тарихий публицистик  
нашр/ Ў.Сўфиев. Фарғона: «Фарғона» нашриёти,  
2013 йил. – 156 б.

*Буюк аждодимиз, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қадами  
етган Сўх замини қадимий ҳамда бой тарихга эга. Бугунги кунда эса тоғлар  
бағрида жойлашган ушбу сўлим маскан истиқлол шарофати билан жадал ривож  
топиб, ҳар томонлама обод бўлиб бормоқда. Сўхликларнинг меҳнатсеварлиги,  
миришкорлиги, шижоатлилиги, санъату адабиётга ошуфталиги ва бошқа  
кўплаб ажойиб фазилатлари туман эртанги кунининг янада фаровон бўлишини  
таъминлаши шубҳасиз. Қўлингиздаги китобда ана шулар ҳақида атрофлича  
ҳикоя қилинади ва кўплаб рангли суратлар сизнинг таассуротларингизни янада  
бойилади.*

ISBN 978-9943-349-96-4

УЎК: 94(575.1)  
КБК: 63.3(5Ў)  
65.04(5Ў)

© «Фарғона» нашриёти – 2013 й.  
© Ў.Сўфиев – 2013 й.

## ЖАННАТМОНАНД СҮХ

Ҳазрати Алининг қадами етган,  
Қаҳ-қаҳа овози оламни тўтган,  
Ровийлар тарихга Сўх дебон битган,  
Маҳмуд Ғазнавийнинг қалбин ром этган  
Бобур Мирзо кўнгиш узолмай кетган –  
Исминг юрагимда ловуллаган чўғ,  
Муқаддас тўпроғим, жаннатмонанд Сўх!

Сени деб неча мард фидо қилди жон,  
Мўйидин, Очаором ҳамда Ҳомиджон,  
Баҳодир, Ҳокимжон кўксидир қалқон,  
Арслон ўғлинг, Жамшид, Маҳмудхон Полвон,  
Мирзолар номингни айлади дoston,  
Исминг юрагимда ловуллаган чўғ,  
Муқаддас тўпроғим, жаннатмонанд Сўх.

Тоғингда акс-садо берар «ёвайло»,  
Қон томиринг бўлиб жўш урар дарё,  
Чашма, булоқларинг ҳар дардга даво,  
Етти иқлимда йўқ бундай хуш ҳаво,  
Йигитларинг ўқтам, қизларинг барно,  
Исминг юрагимда ловуллаган чўғ,  
Муқаддас тўпроғим, жаннатмонанд Сўх!

Тунда Сўхимнинг шўх садолари бор,  
Ошиқ булбулларнинг наволари бор,  
Асрларга тенгдош момоларим бор,  
Момоларим кафтида дуоларим бор,  
Дунёга бергусиз дунёларим бор,  
Исминг юрагимда ловуллаган чўғ,  
Муқаддас тўпроғим, жаннатмонанд Сўх!

Эй сен она халқим, чинордек азим,  
Фақат сенга қуллуқ, ўзингга таъзим,  
Миришкор деҳқоним, ۇлуғ устозим,  
Майсаларни силар Иқбол овози,  
Истиқлол мадҳида тинмайди сози,  
Исминг юрагимда ловуллаган чўғ,  
Муқаддас тўпроғим, жаннатмонанд Сўх.

## ТУМАН ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

**Майдони:** 220,7 км. кв.

**Аҳолиси:** 70858 нафар, шу жумладан 33579 нафар аёллар;  
37279 нафар эркеклар.

**Таркиби:** 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини,  
21 та маҳалла фуқаролар йиғини.

**Чегарасининг умумий узунлиги:** 145 км.

**Маркази:** Ровон шаҳарчаси.

**Аҳолиси:** асосан тожиклар, шунингдек, ўзбек, қирғиз ва бошқа миллат вакилларида иборат.

**Аҳолининг ўртача зичлиги:** 1 км. кв. га 32 нафар.

**Хўжалиги:** аграр туман ҳисобланади, шунингдек, 41 та ўрта ва кичик маҳаллий саноат корхоналари мавжуд.

**Маҳаллий саноатнинг етакчи тармоқлари:** «Сўхдон» донни қайта ишлаш корхонаси, «Сўхнон» нон маҳсулотлари корхонаси, пишиқ ва хом ғишт, оҳактош, гипс ва гипсокардон, мрамор ишлаб чиқариш корхоналари.

**Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари:** картошкачилик, ғаллачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик.



## ЖАННАТМАКОН СЎХ: КЕЧА ВА БУГУН

Ҳозирги кунда юртимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлардан кўзда тутилган пировард мақсад халқимиз фаровонлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистонни дунёдаги юксак тараққий топган давлатлар қаторига олиб чиқиш, унинг буюк келажагига мустаҳкам пойдевор яратишдан иборатдир.

Маълумки, ҳар бир инсон муносиб ҳаёт кечириш, фарзандларини комил шахслар қилиб тарбиялаш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди. Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимиз Ислон Каримов юрт ободлигини таъминлашга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга муҳим эътибор қаратди. Шунинг учун ҳам тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон истиқлолнинг ўтган йилларида мислсиз ютуқларга эришди. Айниқса, олис туман ва қишлоқларда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришлар буни яққол исботлаб турибди. Фарғона вилоятининг чекка Сўх туманида олиб борилаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари ушбу фикримизни яна бир карра тасдиқлайди.

Олой тизмасининг Қатронтоғ, Обишир, Лазар каби тоғлари ёнбағирларида жойлашган мафтункор Сўх тумани ўзининг зилол булоқлари, жўшқин сойлари, кўкка талпинган арчалари, ранго-ранг гулларию лолақизғалдоқлари, ҳатто харсангтошларидан ҳам гиёҳларнинг ҳиди уфуриб турадиган бетакрор табиати билан зиёратчиларда унутилмас, ёрқин



таассуротлар қолдиради. Унинг энг асосий бойлиги содда ва самимий, меҳнаткаш одамларидир.

Бугун Сўхга келган киши мустақиллик йилларида туман худудининг таниб бўлмас даражада чирой очиб бораётганини, бу, энг аввало, одамлар ҳаётида, уларнинг дунёқарашида кўзга ташланаётганини ҳис этади.

Шу ўринда олис мозийга хаёлан сафар қилайлик. Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейига кирган киши билагузук шаклидаги кўшилон тамғасини кўриб беихтиёр сирли салтанатнинг қудратини ҳис қилади. Милоддан аввалги V асрга мансуб бўлган бу тамға қадимий Сўхнинг Олд Осиё мамлакатлари билан маданий алоқаларидан далолат беради. Суратисой ва Обишир қоятош тасвирлари эса ундан ҳам қадимги даврлардан ривоят қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида 1493 йил воқеаларини қаламга олар экан, тақдир тақозосига кўра Сўх ва Ҳушёрга қадам ранжида қилганлигини қуйидагича хотирлайди: «Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонға шикаст бериб, Тошканд ва Шохрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўхпоялариға келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўтқариб, Кобул азимати қилдим».

Тарихдан ҳозирги кунларимизга қайтадиган бўлсак, Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамлар учун барча талабларга жавоб берадиган яшаш шароитларини яратиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида замонавий қурилиш материалларидан барпо этилаётган, барча қулайликларга эга намунавий уй-жойлар қишлоқларимиз кўркига кўрк



қўшмоқда. Буни Сўх тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Тоғ бағрида жойлашган Зангат ҳамда Тул қишлоқларида намунавий лойиҳа асосида ўтган йили 25 та янги уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Туманда янги маҳалла гузарлари барпо этилди. 20 дан ортиқ мактаблар қайта реконструкция қилинди. Туман марказида замонавий кўринишдаги янги академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ўқув даргоҳи сўхлик ўғил-қизларнинг кенг ва чуқур билим олишлари, баркамол авлод бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

3 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицейнинг қад ростлаши, қатор мактабларнинг капитал таъмирланиб, лаборатория усқунлари ва компьютер техникалари билан жиҳозланиши, марказий поликлиниканинг янги бинога кўчиб ўтиши, 10 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, реконструкция қилинганлиги тумандаги улкан бунёдкорлик ишларининг дебчаси бўлди. Марказий шифохона бўлимлари таъмирланиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. 24 та маҳалла фуқаролар йиғинларида маҳалла гузарлари, 100 дан ошиқ замонавий савдо дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилиб, халққа хизмат қилмоқда.

2012-2015 йилларда Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, йўл тармоқларини таъмирлаш, энергия таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ичимлик суви ва табиий газ тармоқларини таъмирлаш билан бирга туман аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида Дастур ишлаб чиқилди. Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида 46,3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ



сарфланиши кўзда тутилган. Шу йилларда тумандаги 2 та касб-хунар коллежида реконструкция, капитал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 410 ўринли 1 та мактаб қурилади, 12 та мактаб капитал ва жорий таъмирланади, 5 та мактабда спорт заллари фойдаланишга топширилади. Дастурга асосан, Ровон қишлоғидаги туман тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси ҳудудида қўшимча 30 ўринли болалар, 25 ўринли юкумли касалликлар бўлимлари учун янги бино қурилиши ва мавжуд биноларни қайта қуриш ва мукамал таъмирлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 12 та лойиҳа асосида электр тармоқлари таъмирланади. Аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 2012-2015 йиллар давомида 35 км.ли водопровод тармоғини қуриш ишлари бажарилади.

Буюк яратувчанлик руҳи билан яшаётган Сўх бугунги кунда ҳар қачонгидан гўзал, ҳар қачонгидан мафтункор. Бу гўзалликни расом энг ёрқин рангларда акс эттиришга чоғланади, шоир энг латиф сўзларни қидиради.

Илмий жамоатчилик орасида жонкуяр олим сифатида ҳурмат қозонган сўхлик фидойи инсон, тарих фанлари номзоди Ўринбой Сўфиев туғилиб ўсган кадрдон масканида амалга оширилаётган эзгу ишлардан руҳланиб, катта ишга қўл урди. Туманнинг кечаси ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи янги китобини нашрга тайёрлади. Биз ушбу рисола ни китобхонларга тавсия этар эканмиз, муаллифга янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

**Файзулло ЗОҲИДОВ,**  
*Республика Маънавият тарғибот маркази  
вилоят бўлими раҳбари.*





## ТАБИАТИ ВА ЖУГРОФИЙ ЖОЙЛАШИШИ

«Олтин водий» деб ном олган Фарғона водийсининг жанубий қисмида тўрт томондан осмонўпар тоғлар билан қуршаб олинган бир маскан борки, уни жаннатмакон Сўх дейдилар. Бу воҳа қадим замонлардан буён ўзининг Чашма булоқларию, Сўх дарёси, осмонўпар тоғлари, ҳосилдор ерларию ранго-ранг мевали боғлари, сайроқи булбулларию тоғлардаги хиромон арчалари, маданиятли, илмга, шеърятга чанқоқ ёшлари, меҳмоннавоз аҳли, ҳақиқатгўй, ишбилармон ва танти инсонлари билан ҳаммани мафтун этиб келган.

Қўшни Қирғизистон Республикасининг Қадамжой ҳамда Боткент туманлари билан чегарадош ҳисобланадиган Сўх воҳаси Фарғона вилоятининг юқори сейсмик зонасида, денгиз сатҳидан 1400-1800 метр баландликда жойлашган. Иқлими субтропик, ёғингарчилик йиллик ҳисобда ўртача 250-274 мм. ни ташкил этади. Тоғ тизмаларидаги тоғолди зонасида вақтинчалик сув оқувчи ўзанлар ва ёзда қуриб қолувчи сойлар кўп.

Воҳанинг ўртасидан Сўх дарёси оқиб ўтади. Дарё Олой тизма тоғларида жойлашган 99 та музлик – қор сувларидан тўйинади. Унинг умумий узунлиги 172 км, умумий ҳавзаси майдони 3510 км, ўртача кўп йиллик сув сарфи 41,8 м<sup>3</sup> / секунд. Ёзнинг иссиқ кунларида тоғдаги қор ва музликлар эриб, сой ва ариқларга сув келади. Ушбу дарёдан Қирғизистон Республикасининг Қоратўқай, Бўзадир, Ҳафтқанд, Оқтурпоқ, Чўнғара ҳамда Бурганди мавзелари, Ўзбекистон Республикасининг Риштон, Ўзбекистон, Бувайда, Учкўприк, Данғара, Олтиариқ, Бағдод туманлари экин майдонларини суғоришда фойдаланилади. Сўх дарёсида балиқнинг кўплаб



нодир турлари мавжуд.

Тоғ шароитида наъматак, зирк, равоч, кийикути, зира, ялпиз, чойўт, шувоқ, торон ва шунга ўхшаш доривор ўсимликлар ўсади.

Тоғларда бури, тулки, чиябўри, тўнғиз, қуён, қашқалдоқ, тоғ эчкиси, юмронқозиқ, каклик, бедана, чумчуқ, каптар ва бошқа ҳайвонлар, қушлар яшайди.

«Сўх-Чашма» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси Сўх чашмасининг экологик тоза ҳамда шифобахш сувини қадоқлаб минерал сув сифатида истеъмолга чиқаришни йўлга қўйган.

Сўхликлар қадим-қадимдан бу жаннатмакон заминнинг сўлим табиати билан ғурурланиб, уни асраб-авайлашга алоҳида эътибор берадилар. Ерга, она-тупроққа, табиатга меҳр-муҳаббат, уни ардоқлаш туйғуларини авлоддан-авлодга мерос қилиб ўтказиб келадилар. Миришкор дехқонлар эканликларини исботлаган ҳолда ниҳол экиб, тоғлар, тепаликларга ҳам сув чиқариб, дарахтлар ўстирадилар, боғлар яратадилар. Буни бугунги кунда одамларни ҳашар йўли билан ариқларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш, янги кўчатлар экиш, шунингдек, дарахт шохларини синдиришга, полиз экинларини пайҳон қилишга йўл қўймаслик, сув ва сув манбалари – чашма булоқларга катта эҳтиром билан муносабатда бўлишларида, «Гул сайли», «Лола сайли» деб номланувчи байрамларда кўриш мумкин. Атроф-муҳитга, табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига бундай меҳр билан қараш халқимизнинг миллий менталитетига хос фазилатларидан саналиб, аجدодларимизнинг экологик маданияти азалдан ривожланганлигидан дарак беради.



## ИЛК ТАМАДДУН БЕШИКЛАРИДАН БИРИ

Сўх воҳасининг табиий шароити ва унда жойлашган 23 тадан ортиқ ғор ва унгурлар қадимги даврларда ибтидоий одамларнинг яшашлари учун қулай имконият яратган.

Ўзбекистон археологларининг, айниқса, академик Ўткир Исломовнинг кўп йиллик археологик қазишмалари натижасида, Сўх воҳасининг шарқий қисмида жойлашган Селунгур ғорида тахминан 1,5 миллион йил муқаддам яшаган қадимги одамлар манзилгоҳи топилган.

Дастлабки одамлар табиий неъматлардан фойдаланиб – турли жонзотларни овлаб, ўсимлик илдизлари ва ёввойи меваларни териб, истеъмол қилиб яшаганлар. Ғор ва унгурларда жойлашган ҳолда, йиртқич ҳайвонлардан ўзларини ҳимоялаш учун тўда-тўда бўлиб ҳаёт кечирганлар. Бундай яшаш тарзи ибтидоий одамларнинг ҳайвонларни биргалашиб овлашларида қўл келган.

Академик Ў. Исломовнинг Селунгур ғорида олиб борган ишлари натижасида ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудида яшаётган халқлар тарихий илдизларининг қадимийлиги тасдиқланди. Негаки, Тешиктошда неандерталь одам қолдиқлари топилганда бир гуруҳ олимлар «қолдиқлари топилган одамлар Олд Осиёдан келиб қолган» деган фикрни илгари сурган эдилар. Селунгур ғоридан топилган маданий қатламлар ва одам суяклари ушбу фикрларни рад этиб, неандерталлар азалдан Марказий Осиё ҳудудида яшаб келган архантропларнинг авлодлари эканликлари илмий жиҳатдан исботланди.

Академик Ўткир Исломов ҳамда қадимшунослар М.М.Хўжаназаров, К.А.Крахмаль, М.Қосимов, Т.Омонжулов,



А.Ботировларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасида Селунгур ғорида қалинлиги 30 см.дан 1 метргача бўлган 5 та маданий қатлам аниқланган. Бундан келиб чиқадики, ибтидоий одамлар ўз маконларини 5 марта тарк этиб, яна қайтиб келганлар. Ушбу маданий қатламлардан қўл чопқиси, тўмтоқ болталар, қирғичлар билан бир қаторда ўша замон ҳайвонларининг суяк қолдиқлари, айниқса, архантроп («Фергантроп»), яъни қадимги одам қолдиқлари топилган. Олимларнинг фикрича, Селунгур археологик топилмалари ноёб ёдгорликлар қаторидан жой олиб, ашель даврининг жанубий туркумига мансуб илк ёдгорликлар қаторига киради.

Айниқса, Селунгур ғоридаги иккинчи қатламдан одам бош суяги энгак қисмининг бир бўлаги ҳамда тўртта тиши, учинчи маданий қатламдан эса, якка ҳолда 10 та тиш ва одам елка суягининг бир бўлаги топилганлиги фанда катта илмий аҳамиятга эга бўлиб, олимларнинг фикрига кўра, улар ашель даври одамларига тегишли эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, академик Ўткир Исломов бошчилигидаги бир гуруҳ олимларнинг тадқиқотлари натижасида Селунгур ғоридан 32 турдаги сут эмизувчи ҳайвонларга тегишли 5 мингдан ортиқ суяк қолдиқлари топилиб, ўрганилди. Натижада Селунгур даври ҳайвонот дунёси комплексини ажратишга муяссар бўлинди. Ушбу комплекснинг морфологик белгилари илк плейстоцен даври охирларига мансуб эканлиги маълум бўлди.

Сўх дарёсининг қадимги ўзани, Обишир сойининг ўнг қирғоғидаги ғорлардан топилган бой ашёлар мезолит даврига мансуб бўлиб, улар бошқа ёдгорликларни ўрганишда ўзига хос «эталон» сифатида хизмат қилмоқда. Бу кашфиётлар туфайли фанга академик Ўткир Исломов томонидан «Обишир маданияти» ибораси киритилди.

Селунгур ва Обишир ёдгорликларини ўрганиш жараёнида топилган минглаб археологик ашёлар Марказий Осиё ва



Ўзбекистон халқлари тарихида янги саҳифани очди, яъни бу ҳудудда илк палеолит давридан то мезолит даврига қадар одамлар узлуксиз яшаб келаётганлиги исботланди. Селунгур ва Обишир ғорларини ўрганиш ҳамда топилган ашёларнинг таҳлили натижасида Марказий Осиё ибтидоий одамлар илк бор пайдо бўлган масканлар қаторига кўшилди.

Мезолит – ўрта тош даврида (милоддан аввалги 12–6 минг йилликлар) одамзод ўқ-ёйни кашф этди. Тош қуроолар ва уларни яшаш такомиллашиб, ҳайвонларни қўлга ўргатиш бошланди. Сўхнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳамда дарё соҳилларида бир неча мезолит даври ёдгорликлари мавжуд. Улар қаторига Тул қишлоғи яқинидаги Сурати, Дехвайрон қишлоғидаги Инкири Сафед, Қалъача, Қизилқиёқ, Октурпоқ ва Ҳафтқанд қишлоқлари ҳамда Лазар тоғи этақларидаги ёдгорликлар кирди. Буерлардаги ғор ва унгурлар деворларида ҳамда улар яқинлигида жойлашган қояларда турли хил ҳайвонлар суратлари тасвирланган.

1894 йилда Тул қишлоғи яқинидаги Муғтепа мавзесидан «икки бошли чипор илон» тумори топилган. Бу тумор жез даврига мансубдир. Жез даврида Ўрта Осиёда деҳқончилик ва чорвачилик кенг тарқалди. Деҳқончиликда бугдой, арпа, сули етиштирилган. Шунинг учун бу даврга тегишли истехкомли Қалъа қишлоғида археолог олимлар томонидан ёрғучоқ, кетмон, ховонча каби ашёлар топилган. От, эшак, ҳўкизлардан деҳқончиликда ҳамда транспорт воситаси сифатида фойдаланганлар.

Милоддан аввалги VIII-VI асрларда темир даври бошланган. Темирдан деҳқончилик асбоб-ускуналари ясалиб, ҳосилдорлик ошган. Ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Одамлар яшайдиган манзилгоҳлар пахса ва гувалалардан қурилган. Сопол идишларнинг сирти қизил ранг билан безатилган.



Иккинчи минг йиллик охири ва биринчи минг йиллик бошларида ибтидоий жамоа тузуми емирила бошланди. Милоддан аввалги VIII-VII асрларда, олимларнинг маълумотларига асосан, Ўрта Осиёнинг қадимий маданий ўлкалари – Хоразм, Сўғд, Бактрияда дастлабки давлатлар вужудга келди.

Сўх воҳаси зардўштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг «Яшт» қисмида Арзиhi, Вовартарашти, Воварчирашти, Хунирас каби янги яратилган вилоятлар қаторида «Сўхи Фардафшун» номи билан эслатиб ўтилган. «Фрададафшу» сўғд тилида шимоли- шарқдаги маскан деган маънони англатади.

Темир асри ва илк ўрта асрларда Фарғона, жумладан, Сўх аҳолиси ҳаётида зардўштийлик дини, урф-одатлари ҳамда удумлари кенг тарқалиб, муҳим аҳамият касб этган. Сўх воҳасининг турли мавзеларидан қишлоқ хўжалик ишлари – ер қозиш, ариқ ўтказиш, шудгорлаш ёки бошқа турдаги ишларни олиб бориш пайтларида сополдан ясалган катта ҳажмдаги хумлар топилганки, уларнинг ичига одам суяклари жойлаштирилган. Тарихдан маълумки, сўғдийлар тупроқни муқаддас ва пок санаб, унинг булғанишини олдини олиш мақсадида ўликлар суягини сопол идишлар–оссуарийларга солиб қўйганлар.

Зардўштийликнинг айрим удумлари ҳали ҳам Сўх воҳаси аҳолиси турмуш маданиятида сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўламиз.

«Авесто» таълимотига кўра, инсон бутун умри давомида сув, олов, ер ва ҳавони покиза сақлаши лозим. Шунинг учун Сўх воҳасида сув манбалари – булоқлар, дарё, анҳорлар ҳамда ҳовуз лабида кир ювиш, мол боқиш ёки боғлаш, нопок челак, кўза, идишларни сувга ботириш, сувга туфлаш, ахлат тўкиш қатъиян ман этилиб, катта гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто сувдаги



балиқлар, сув илонларини ўлдиришга йўл қўйилмайди. Улар сувни тозаловчи жониворлар ҳисобланади.

Қурғоқчилик пайтларда «ёмғирни чақириниш» удуми – «обчошак», «обшапак» (айрим адабиётларда «Сустхотин») маросими Сўх воҳасида ҳалигача сақланиб қолган. Бу одатлар зардуштийларнинг ёмғир худоси –Тиштрадан ёмғир ёғдиришини илтижо қилишга бағишланган маросимнинг қолдиқлари ҳисобланади.

Бугунги кунларда ҳам Сўх воҳаси аҳолиси ўртасида қуёшни муқаддаслаштириш кўринишларини учратиш мумкин. Масалан, қуёш чиққунча ҳамма ўрнидан туриши, қўл ва бетини ювиб покланиши, уй - ҳовли супурилиб, сув сочилиши лозим. Акс ҳолда, сўхликлар тасаввурича, «қуёш йиғлаши», яъни ранжиши мумкин. Қуёш ботиши пайтида бирон ишни бошлаш ёки умуманиш билан банд бўлиши манъ этилади, чунки бу хосиятсиз ҳисобланади. Тандир, ўчоқ атрофи доимий пок ва тоза сақланиши зарур, зеро оловнинг пири ҳисобланмиш ПИРИ Пухта уй эгасидан ранжиши мумкин экан. Ёнаётган оловга сув сепиш, уни оёқ билан ўчириш манъ этилади. Ҳатто оловни ўчиргандан сўнг оташдонда қолган кулни оёқ билан тепмаслик, устидан босиб ўтмаслик талаб этилади. Уйдаги ўчоқ атрофи аждодлар руҳи ташриф буюрадиган муқаддас жой ҳисобланади.

Сўх воҳасининг аҳолиси айрим дардлардан халос бўлиш истагида Қуёш, Ой ва юлдузларга илтижо қилиб мурожаат этадилар. Уларнинг тасаввурича, Қуёш, Ой, юлдузлар, олов покловчи қудратга эга ҳисобланади. Бемор инсонни кечқурун ойли ва юлдузли осмонга қаратиб, халқона даволаш удумларини бажарадиларки, ушбу удум «ситорабинон» («юлдуз кўриш») дейилади. Мотам либосларини айнан кечаси «юлдузлар тозалайди» деган тушунча билан ташқарига ёйиб қўядилар.



Оловга инсу-жинслар, ёмон кучларни махв этувчи восита сифатида ҳам қаралади. Сафар ойининг охирги чоршанбасида кечаси ҳар хил инсу-жинслардан халос бўлиш мақсадида ёнаётган олов устидан сакраб, «алас-алас» удуми бажарилган. Худди шу мақсадда янги чақалоқ ва унинг онаси, келин - куёвни, оила аъзоларини ёмон кўздан сақлаш мақсадида исириқ солинади.

Болалар туғилганда қирқ кунгача-«чиллаи навзоди», келин- куёвлик қирқ куни – «чиллаи наваруси», мотамнинг қирқ куни – «чиллаи мотами» давомида қирқ кеча шам ёки пилта ёниб турган. Куёвнавкарлар кечкурун келин-куёвни ёнаётган гулханлар билан куёв ховлисига олиб келадилар. Уч марта ёнаётган гулхан атрофида айлантриб, кейин уйга олиб кирадилар. Диний байрамлар арафасида ўтган авлодлар руҳини шод этиш учун чироқ-пилта ёқадилар.

Умуман, зикр этилган удумлар зардўштийлик урф-одатларидан бўлиб, асрлар давомида айрим ўзгаришларга дуч келган ҳолда сақланиб қолмоқда. Шунингдек, Сўх воҳасининг топонимлари, яъни жой номларида ҳанузгача сўғдий терминлар сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўламыз. Мисол учун, Зангат – тошлоқ жой, Мужум – канал, Ишор – оқ сув, сут сув, Бароз – тепалик, Муғтепа, Муғхона, Муғиён – муғлар тепалиги, Муғлар хонаси, Лазар (Лозур) – музлик тоғ, Киштут – икки анҳор бирлашадиган жой, Дивахш – икки руд, анҳор, Хидирмон – куёшли мавзе, Сариканда – шаҳар, қишлоқ боши, Инкир – ғор, Газз, Суғдмент – сўғдийлар маскани ёки шаҳри, Симкат – конли қишлоқ, Гурбонон – қабристонни кузатувчилар, Палағхона – ўликлар сақланадиган жой, Паррак – юқоридан пастга тез оқадиган жой ва бошқа топонимик жойларда сўғдий сўзлар сақланиб қолганлигини кузатиш мумкин.

Сўх воҳаси аҳолиси қадимдан деҳқончилик, боғдорчилик,





чорвачилик ва хунармандчилик, айниқса, кулолчилик ва тўқимачилик билан шуғулланган.

Воҳа орқали Буюк Ипак йўлининг бир шохаси ўтган. Ҳозирги кунда Ёркент томон ўтадиган йўл халқ орасида «Хитойраҳа», «Кошғарраҳа» (яъни, «Хитойга ёки Қошғарга олиб борадиган йўл») деб аталади. Сўх воҳаси қадимги Довоннинг ажралмас қисми сифатида Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаган десак, хато қилмаган бўламиз.

Илк ўрта асрларда Сўх воҳаси Марказий Осиёнинг йирик савдо шаҳарлари ҳисобланмиш Хўжанд, Канд (Конибодом), Риштон, Зендерамш, Кубо, Ахсикент, Ўш, Ўзгент билан бир қаторда Фарғона водийсининг иқтисодий-маданий ҳамда тижорат ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, араб географи ва сайёҳи ал-Истахрийнинг маълумотига асосан, катта карвон тижорат йўллари Хўжанддан Кандга, Канддан Сўхга, Сўхдан Риштонга, Риштондан Зендерамшга, Зендерамшдан Кубога, Кубодан Ўшга, Ўшдан Ўзгентга, ундан Қашғар томон ўтиб борган ҳамда ушбу шаҳарлар оралиғи масофаси бир кунлик йўл бўлган. Ал-Истахрий Сўх тоғлар олдида жойлашган бўлиб, унда 60 тага яқин қишлоқлар борлиги ҳақида маълумот келтиради. X асрга тегишли «Худуд-ул-олам» китобида келтирилган маълумотларга кўра, «Сўх Бутамон ва Фарғона оралиғидаги тоғлар этагида жойлашган бўлиб, унда 60 тадан ортиқ қишлоқлар мавжуд» бўлган. Ал-Истахрийнинг ёзишича, «Фарғонадаги қишлоқ ва даҳаларга ўхшаган катта ва кўп аҳолиси бўлган қишлоқлар Мовароуннахрнинг бошқа жойларида йўқ, айрим қишлоқларнинг узунлиги бир фарсах ва энига ҳам шунча бўлиб, аҳолиси ҳамда чорваларию экин майдонлари кўпдир».

В.В.Бартольднинг тахминича, қадимги Сўх шаҳри харобаларини Сарикўрғон харобалари мавзесидан қидириш мумкин. Б. А. Латинин 1930 йилда Сарикўрғондан 1 км. жанубда



олиб борилган археологик қазиш ишлари натижасида Кюктам қалъаси харобаларини топишга муяссар бўлди. Академик Я. Ғ. Ғуломов эса, қадимги Сўх харобаларини Сарикўрғон харобаларининг ғарбий томонидан, яъни Рабкон Мозор, Дуркушо ва Қора Мулла қишлоқлари ўрнидан қидириш лозимлиги ҳақидаги фикрни олға суради. Чунки бу ерда эрамизнинг биринчи асрига тегишли шаҳар харобалари топилган эди.

Археолог М.Е.Массон 1939 йили Катта Фарғона каналини қазиш пайтида ўтказилган археологик қидирувлар натижасида Сарикўрғон, Ғишттепа, Муғтепа, Итикчи ва Ямоқчи каби қадимий жойларни топишга муяссар бўлди. Ажабланарлиси шундаки, улар ёниб, қолдиқлари кул тагида қолган эди. Олимларнинг тахминига кўра, бу қалъа – истехкомлар Сўх дарёси каналларга тақсимланадиган жойда кузатув учун бунёд этилган мустаҳкам қалъалар эди.

Олимлар Б. А. Литвинский ва Е.А. Давидовичлар қадимги Сўх шаҳри харобаларини ҳозирги Исфара шаҳри ва унинг яқинидаги Навгилем қишлоғи ҳудудларида, қадимги Бамкахуш ва Тамахуш шаҳарларидан 5 фарсахузоқликда жойлашган, деган фикрни илгари сурадилар. Археолог Н.Г.Горбунованинг маълумотлари ҳам ушбу фикрни тасдиқламоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шундай хулосага келиш мумкинки, олдинги даврларда Сўх худуди ҳозиргига нисбатан анча кенгроқ майдонларни камраб олган. Бу худуд шимолдан Хўқанди латиф яқинидаги Мўйи Муборак, Рабкон Мозор, қадимги Дуркушо қишлоқларидан бошлаб, жанубда Олой, Туркистон тизма тоғлари этакларигача, ғарбдан ҳозирги Исфара районининг Навгилем қишлоғи (қадимги Тамахуш ва Бамкахуш қишлоқлари) дан шарққа, ҳозирги Ўш вилоятига қарашли Қадамжой ва Ўхна (тожикча-Обхона) қишлоғигача бўлган ерларни ўз ичига олган эди.



XII-XIII асрларда мўғуллар истилоси Сўх шаҳрини Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари сингари вайронага айлантирган. Сарикўрғон, Фишттепа, Мугтепа, Дуркушо каби харобаларнинг ёниб, кулга айланганлиги археолог-олимлар Я. Ғ. Ғуломов, Е. М. Массон, Л. Зимин, А. Петров, Б. А. Латининлар томонидан аниқлангани буни исботламоқда. Ҳозирги Шимолий Сўх ҳудудида жойлашган аҳоли мўғуллар зулмидан қутулиш мақсадида Сўх дарёсининг бошланиш қисмига, Олой, Туркистон ҳамда Зарафшон тизма тоғлари туташган ҳудудларга кўчиб ўтган бўлишлари мумкин. Буни Панжикент, Қоратегин, Дарвоз ва Варзоб ҳудудларида олиб борилган этнографик тадқиқотлар натижалари тасдиқламоқда.

Ўтган асрнинг 50-60 йилларида Қоратегин ва Дарвоз ҳудудларида этнографик дала тадқиқотлари олиб борган Фарм этнографик экспедицияси аъзолари, жумладан, А. К. Писарчикнинг маълумотига кўра, Қоратегин ва Дарвознинг Вахиои Боло қишлоқлари аҳолиси нақл қилишича, уларнинг аجدодлари ўзларининг келиб чиқишини Фарғона водийсининг Сўх воҳаси билан боғлаганлар.

Ўтган асрнинг 80-90 йилларида олиб борилган этнографик тадқиқотларимиз жараёнида Панжакент туманининг Киштут, Ёри қишлоқлари, Варзоб дарасининг Зидди, Ишори қишлоқлари аҳолисининг бир қисми аجدодлари Сўх воҳасидан келиб чиққанлигини айтишган.

Шунга ўхшаш маълумотларни этнограф олим, профессор Н. О. Турсунов ҳам келтиради. Унинг ёзишича, Шимолий Тожикистоннинг Исфара ноҳиясидаги Сурхи, Қалъаи Боло, Чорку, Офтобру, Ура-тепа ноҳиясидаги Мазори кабуд, Сурхи, Тутк, Қалъачаи Сурх, Газандарак қишлоқлари ҳамда Ашт ноҳиясидаги қишлоқлар аҳолиси ўз аجدодлари қадим замонларда Фарғона водийсининг Сўх воҳасидан келиб қолганликларини эслатиб ўтганлар. Этнограф Усто



Жаҳоновнинг илмий изланишлари юқоридаги маълумотларни тасдиқламоқда.

Сўх воҳаси аҳолисининг турли вақтларда бошқа шаҳару қишлоқларга кўчиб кетишларига араб ва мўғул босқинчилари, кейинроқ Бухоро амирлиги ҳамда Кўқон хонлигининг ўзаро урушлари, очарчилик ва қурғоқчиликлар, турли эпидемиялар сабаб бўлиши ҳам мумкин эди.

Мажбурий миграцияга учраб, бошқа шаҳару қишлоқларга кўчиб кетган аҳоли йиллар ва асрлар ўтгандан кейин ҳам ўз авлодларига асл келиб чиқишлари Сўх воҳасидан эканлигини уқтирганлар. Улар аждодларининг бир қисми неча асрлардан кейин ҳам ўз ота ерларини қўмсаб, қайтиб келганлар. Бу жараёни этнографик изланишларимиз давомида, Сўх воҳасининг Ишор (Ҳушёр), Қизилқиёк, Шайхатола, Дехвайрон, Умбара, Лингбур, Сариканда қишлоқлари аҳолисининг таркиб топиш жараёнини кузатганимизда аниқладик. Аждодлар ватанига қайтиб келган юқори қишлоқларда яшовчи аҳолининг моддий ҳамда маданий ҳаётида Жанубий Тожикистоннинг аҳолисига хос этнографик хусусиятларни кузатиш мумкин.

Шунингдек, қадимдан Сўх воҳасидан Зарафшон, Қоратегин ва Дарвоз водийларига Олой, Туркистон ва Зарафшон тизма тоғлари орқали уч кунлик от, эшак ҳамда пиёда ўтадиган Тарак довон орқали йўл бор эди. Ўрта асрларда, ҳатто ўтган асрнинг бошларида ҳам ушбу тоғли йўл орқали Қоратегин, Дарвоз ва Зарафшон водийсидан Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларига мавсумий мардикорликка келиб кетадиганлар ўтишган. Улар орасида айримлари Фарғона водийсида, жумладан, Сўх воҳасида доимий яшашга қолиб, воҳа аҳолисининг таркиб топишида қатнашганлар.

Воҳада қадимдан чақмоқтош, сурма, оҳақтош, нефть, симоб, олтин қазиб олинган. XIII аср муаллифи Нажиб Бакраннинг маълумотига кўра, Фарғонада, жумладан, Сўхда мис ишлаб



чиқарилиб, мистарлик иши ривож топган. XIII-XIV аср муаллифи Муставфи Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг маълумотида кўра, Сўх воҳасининг Сур, Ҳайдаркон масканларида қадим даврларда қул ва мардикорларнинг қўл меҳнати воситасида сурма ҳамда симоб ишлаб чиқариш йўлга қўйилган экан. Бу фикрларни 1934 йилда Сур ва Ҳайдаркон масканларида геологик - қидирув ишларини олиб борган олимлар Д. И. Шчербаков, А. Е. Ферсман, А. Ф. Соседко, В.Э. Поярков, В.Н. Попов ва бошқалар тасдиқлаганлар. Улар геологик-қидирув ишларини олиб бориш пайтида қадимий даврларда қазилган ўралар, ертўлаларни аниқлашган. Араб сайёҳи Абулқосим Ибн Ҳавқал X асрда (тахминан 976 йили) Сўх воҳасида сурма ишлаб чиқарилганлиги ҳақида маълумот беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Сўх воҳаси аҳолиси ҳақида, форс тилида сўзлашадиган сартлар (тожиклар), деб маълумот беради.

Мўғуллар истилоси илк ўрта асрдаги ривожланган Сўх шаҳрини ҳамда унинг 60 дан ортиқ қишлоқларини вайронага айлантиргандан кейин, Сўх воҳаси Фарғона водийсининг иқтисодий-тижорат ҳаётидаги аввалги мавқесини йўқотган кўринади. XV асрда Сўх воҳасига чекинишга мажбур бўлиб, бир йил Сўх ва Ҳушёрда умргузаронлик қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да келтирган маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкин.

Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ташкил топгандан кейин воҳанинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ушбу хонликлар ўртасидаги муносабатларга узвий боғлиқ бўлиб қолган эди. Ҳатто кўп вақтлар бу ҳудуд Кўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги талаш ерларга айланганлиги ҳақида тарихий маълумотлар бор.

Сўх чор Россияси истилосига қадар, яъни 1876 йилгача Кўқон хонлиги тасарруфида бўлган. Кўқон хонлиги Россия



томонидан босиб олингандан кейин Сўх волости ташкил этилиб, Қўқон уезди таркибига кирган.

1861-1862 йилларда воҳада чўпон Кури Ёр бошчилигида Қўқон хонлигига қарши қўзғолон бўлиб ўтган. Қўзғолонда Хушёр, Қизилқиёқ, Шайхатола, Дехвайрон қишлоқлари аҳолиси ҳамда Сўх атрофида яшайдиган қирғизлар ҳам қатнашганлар.

Қўқон хонининг истибдодига қарши Сўх аҳолисининг навбатдаги катта қўзғолони 1871 йилда хушёрлик Мулло Мир ва Мулло Ашурлар бошчилигида уюштирилган. Қўзғолончилар Тангии Дехвайрон, Санги Навишта, Дара мавзеларида тоғдан тош ағдариб, хонлик томонидан юборилган қўшинни тошбўрон остига олиб, унга каттагина талофат етказганлар. 1871 йили қўзғолон бостирилгандан кейин Сўхга борган олим А. П. Федченко «вазият ҳанузгача ташвишли ва хавfli» эканлигини ёзганди. Қўзғолончилар Олой тоғлари орасига чекиниб, хонлик қўшинларига қаттиқ зарба берганлар. Хонлик қўшини томонидан Хушёр, Кштут, Гоз, Симкат, Палол қишлоқларига ўт қўйилган.

1875- 1876 йилларда ҳам Қўқон хонлиги зулмига қарши қўзғолон кўтарилган. Шунингдек, 1916 йилда мардикорликка олишга қарши халқ ғалаёнлари бўлиб ўтиб, Сўхда яшовчи Россия гумашталари ҳамда маҳаллий бойлар уй-ҳовлилари ёқиб юборилган.

Воҳа аҳолиси миграциясига Шўро ҳукуматининг ўтган асрнинг 20-30 йилларида зуғум билан олиб борган «қулоқлаштириш» сиёсати ҳамда қишлоқ хўжалигини мажбурий коллективлаштириш сиёсати, кейинроқ, Вахш, Марказий Фарғона, Мирзачўл даштларини ўзлаштириш мақсадида аҳолини кўчириб юбориш жараёнлари сабаб бўлган. Жумладан, ўтган асрнинг 30-40 йилларида Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш мақсадида Сўх воҳасидан



кўчириб келинган деҳқонлар оилалари ҳозирги Сўхобод қишлоғига асос солганлар ва доимий яшашга қолганлар. Тожикистон Республикасининг Ховалинг, Вахш водийларида сўхликлар асос солиб, доимий яшаш учун қолган, Сўх воҳаси маҳаллалари номлари билан юритиладиган мавзеларни учратиш мумкин.

Ўтган асрнинг суронли 20-30 йилларида шўролар томонидан олиб борилган мажбурий қулоқлаштириш сиёсати Сўхдан айрим оилаларининг Афғонистон, Туркия, ҳатто Саудия Арабистонига бориб, ўша жойларда яшаб қолишларига сабаб бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

1926 йили ер-сув ислоҳоти ўтказилиб, бойлардан тортиб олинган ерлар камбағалларга бўлиб берилган. 1928-1929 йилларда колхозлар тузила бошланди. Сўхда биринчи колхоз «Озод» номи билан Тул қишлоғида тузилган эди. Унга 15 нафар камбағал-деҳқон аъзо бўлиб кирган. 1927 йили «Фордзон» русумли биринчи трактор келтирилган. Уни Мирзо Карим Маҳматов бошқарган. 1934 йилга келиб, колхозлар сони 22 тани ташкил этган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўп сонли кичик колхозлар бирлаштирилиб, давлат хўжаликларига (совхозлар) айлантирилган.

Урушда қозонилган ғалабага сўхлик мард ўғлонлар ўз муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан, Қалъа қишлоғида туғилган Амирали Саидбеков, Тул қишлоғилик Солижон Олимов, Хушёр қишлоғилик мерган Тешабой Одиловларнинг жасоратлари асло унутилмайди. Фронгдаги жангчиларни озик-овқат маҳсулотлари ва иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш мақсадида сўхлик меҳнаткашларнинг фронт ортидаги хизматлари салмоқли бўлди.

Фарғона вилояти таркибида алоҳида маъмурий бирлик – Сўх тумани иккинчи жаҳон уруши йилларида, 1942 йили ташкил



топган. 1959 йил март ойида туманларни йириклаштириш мақсадида Сўх тумани «Сўх» совхозига айлантирилиб, Риштон туманига бириктирилган. Кейинчалик, Риштон тумани Олтиариқ тумани билан бирлашганлиги туфайли 1963-1967 йилларда Сўх ҳам Олтиариқ тумани таркибига кирган. 1967-1990 йиллар Риштон туманига бўйсунган.

Сўх 1990 йил 27 февралда, Истиклол арафасида алоҳида туман сифатида қайтадан ташкил этилди. У ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг обод ва кўркам гушаларидан бирига айланиб бормоқда.





## ҲОСИЛИНГИЗГА БАРАКА, МИРИШКОРЛАР!..

Сўх аграр туман ҳисобланади. Ҳудуднинг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан олинади. Мустақиллик йилларида, республикамизнинг барча жойларида бўлганидек, туман қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам мулкчилик шакли ўзгариб, ер ва мулк тўлиқ ўз эгасини топди, десак муболаға бўлмайди.

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларида нодавлат сектор улуши 1991 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ташкил этилиши натижасида 100 фоизни ташкил этмоқда. Айни пайтда туманда 300 га яқин кўп тармоқли деҳқон ва фермер-хўжалиқлари фаолият олиб бормоқда.

Сўх аҳли қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Ҳудуд об-ҳавосига картошкачилик мос келганлиги туфайли ўтган асрнинг 60-70 йилларида фаолият олиб борган «Сўх» давлат хўжалиги асосан ушбу экинни етиштиришга ихтисослаштирилган эди. Олий навли унумдор ва сара уруғлик картошка экилиши натижасида эндиликда ҳосилдорлик гектаридан 180 центнергача ошди. Охириги 5-6 йилда сўхлик миришкор деҳқонлар картошка ва ғаллачилик соҳасида ҳосилдорлик бўйича юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Картошка экин майдонлари йил сайин ошиб бормоқда. Агарда 2006 йилда картошка экилган майдонлар 320 гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 600 гектарни ташкил этмоқда. Ҳосилдорлик гектаридан 25 тоннага етди.

Сўхликлар боғдорчилик соҳасида ҳам яхши натижаларга эришиб, анвойи мевалар етиштирмоқдалар. Маҳаллий боғбонлар яратган «Мулло Ҳанди», «Муллогадой», «Сафедак»,



«Хурмат», «Жойдори», «Қандак» каби ўрик, «Шокирғизи», «Шўрнул», «Пистапўчоқ», «Часпак», «Эрташи» номли ёнғоқ навлари шулар жумласидандир.

Сўх дарёси ёнида жойлашган қишлоқларда ўлкамизда шуҳрат қозонган «девзира» навли шоли экишади. Асаларичилик ҳам ривожланиб бормоқда.

Туман деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Жорий йилда пиллакорлар қўлга киритган ютуқлар айниқса салмоқли бўлди. Улар 600 қути ипак қурти парваришлаб, 25,1 тонна қимматбаҳо хом ашё топширдилар. Хонадонларга ипак қурти озуқасини ўз вақтида етказиб бериш, улардан тежамкорлик билан фойдаланишда илғор технологиялар қўлланилиб, самарали натижаларга эришилди.

Туманда пиллачилиқни ривожлантириш мақсадида тутзорлар майдонини кўпайтириш, мавжуд тутзорларни янги агротехник талаблар асосида озиклантириш, ҳар хил зараркунанда ва касалликлардан муҳофаза қилиш чоралари кўриб келинмоқда. Жумладан, йил якунигача 106 минг туп тут кўчатларини экиб, келажакда пилла қуртини боқишга озуқа захирасини тайёрлаш режалаштирилган.

Нафақат пиллачилиқ, балки ғаллачилиқ, боғдорчилиқ, картошкачилиқ соҳасида ҳам сўхликларнинг ўзига хос «деҳқончилиқ мактаби» яратилган.

Халқимиз фаровон, осойишта ҳаётини, эзгу орзуниятларини қадим замонлардан буён азиз ва муқаддас неъмат саналмиш нон тимсолида тасаввур этиб келади. Дарҳақиқат, бизда нон–тенгсиз ва буюк бойлик, улуғ ва табаррук неъмат саналади, унинг баҳосини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида миришкор деҳқонларимиз меҳнатига



юксак баҳо бериб шундай деган эдилар: «Азал-азалдан тўқчилик, аввало кўзнинг, кўнгилнинг тўқлиги, дастурхон тўкинлиги, рўзгорнинг қут-баракаси, буғдойнинг, ноннинг сероблиги билан белгилаб келинади, десак, ҳаётий ҳақиқатни айтган бўламиз».

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз ғалла мустақиллигини қўлга киритиб, нафақат ўз эҳтиёжимизни қондирмоқдамиз, балки давлатимиз дон экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой олди. Бундай юксак ютуқларга эришишимизда, албатта, Юртбошимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган ислохотлар, илм-фан ютуқларидан фойдаланиш ҳамда деҳқонларимизнинг асрлар мобайнида орттирган юқори деҳқончилик маданияти асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, деҳқон-фермерларга имтиёзли кредитлар бериш, сара дон – уруғликлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар билан ўз вақтида таъминлашга алоҳида эътибор берилиши сабабли соҳа равнақ топиб бормоқда. Жумладан, Сўх туманини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш Дастурига кўра, 2012-2015 йилларда қорамолчилиқни ривожлантириш бўйича 7 та, паррандачилиқни ривожлантириш бўйича 7 та ва балиқчилиқни ривожлантириш бўйича 4 та лойиҳаларни амалга ошириш учун 157 млн. сўм, жумладан 70 млн. сўм тижорат банклари кредитлари сарфланиши кўзда тутилмоқда. Аҳолининг шахсий томорқаларидан унумли фойдаланиши мақсадида янги – 70 гектар мевали боғлар ташкил этилади.

2012 – 2013 йилларда 7 та ирригация ва мелиорация объектларини таъмирлаш ишларини яқунлаш чоратадбирлари кўрилиб, инвестиция Дастури доирасида 25,5 млрд. сўмликдан ортиқ ишлар амалга оширилиши



режалаштирилган. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан яхшилаш, деҳқон-фермерлар меҳнатини қадрлашга қаратилган эзгу юмушлар қишлоқ меҳнат аҳлига мамнуният бағишлаб, уларнинг янги марралар сари илдам ҳаракат қилишлари учун куч-ғайрат ва шижоат бағишлаб турибди.

Энг муҳими, деҳқон-фермерлар ўз меҳнатлари самарасини кўриш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, етиштирилган ҳосилнинг 60 фоизидан кўпроғи фермер хўжаликлари ва аҳолининг ихтиёрида қолдирилмоқда. Бу эса деҳқоннинг ўз меҳнатидан катта манфаат кўришига, уй-жойини, турмуш даражасини яхшилаб, янги машина ва техникаларни сотиб олишига имконият бермоқда.

Мамлакатимизнинг 2013 йилги улкан ғалла хирмонида Сўх тумани миришкорларининг ҳам муносиб улушлари бор. Улар 700 гектар ерга буғдой экиб, 4200 тонна ғалла етиштирдилар, ҳосилдорликни ҳар гектаридан ўртача 60 центнерга етказдилар. Хусусан, «Озод» ширкат хўжалигида 880 тонна, «Сўх» ширкат хўжалигида 702 тонна, «Хушёр» ширкат хўжалигида 712 тонна, фермер ва деҳқон хўжаликларида 1906 тонна буғдой етиштирилди. Эришилган ютуқлар ортида заҳматкаш деҳқонларнинг машаққатли ва ҳалол меҳнатлари, табиат инжиқликларини енгишда сабр-матонат кўрсатганлари, ақл-заковат билан иш олиб борганликлари ётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Стратегик аҳамиятга эга қишлоқ хўжалик экини ҳисобланмиш ғалла билан бир қаторда туманда мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳалари ҳам ривожланиб бормоқда. Истеъмолчиларни тухум, сут, гўшт, картошка, мева-сабзавот каби озиқ-овқатлар билан таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Жорий йилда «Сўх» ширкат хўжалигида 125 гектар ерга картошка экилиб, 3363 тонна, «Хушёр» ширкат хўжалигида 135 гектар ердан 3632 тонна, «Озод» шикат хўжалигида 145 гектар ердан 3901 тонна, деҳқон ва фермер хўжаликлари тасарруфидаги 254 гектар ердан эса 6835 тонна картошка олинди. Шунингдек, туман хўжаликларида 92 гектарга экилган турли сабзавот экинларидан 298 тонна ҳосил етиштирилди. «Азамиддин» ҳамда «Соҳибкор» фермер хўжаликларида 2,7 гектарлик янги узумзор ва 1,6 гектарлик анорзор боғлар бунёд этилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашда, унинг даромади ва умуман турмуш даражасини оширишда, бозорни гўшт, сут, мева-сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан барқарор тўлдиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Замонавий уй-жойлар қуриш, аҳолининг озиқ-овқат, полиз ва мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, истиқлол йилларида туманда 4000 га яқин оилаларга 270 гектар ер томорқа сифатида, шунингдек, иссиқхоналар қуриш учун ер участкалари ажратиб берилди. Ҳозирги кунда 15 та иссиқхона ишлаб турибди. Айниқса, «Мирзо – Абдулло», «Акобир», «Даврон хожи» «Муҳаммадхон» фермер хўжаликларига қарашли иссиқхоналарда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Тадбиркор Субҳонали Ибрагимов ўз иссиқхонасида лимон ва бошқа цитрус мевалар етиштиришни йўлга қўйиб, яхши ҳосил олмоқда. Лимонариялар қуриш ташаббуси кенг қулоч ёзмақда. Жумладан, тадбиркорлар Илҳом Ҳомиджонов, Ҳабибулло Ёрматов, Ҳасанжон Орифжонов ва бошқалар ҳам иссиқхоналарида лимон парвариш этишни йўлга қўйдилар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз аграр секторида, шу жумладан, чорвачилиқда ҳам қатор ижобий ишлар амалга



оширилмоқда. Бунинг учун зарурий ҳуқуқий-меъёрий ҳамда ташкилий пойдевор яратилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари асосида чорвачиликни ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар белгиланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижада чорва молларининг сони, улардан олинадиган маҳсулот ҳажми ва сифати кун сайин ортиб бормоқда.

Туманда шахсий ёрдамчи хўжаликларда қорамол сотиб олиш, уларнинг сонини кўпайтириш мақсадида 2005-2011 йилларда «Агробанк» томонидан 687 млн. 174 минг сўмлик, «Халқ банки» томонидан 2 млрд. 085 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 500 млн. сўм, қуёнчилик учун 20 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди.

2006 йилнинг мартада қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида» ги Дастур ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ушбу масалага бағишланган ПҚ 842-сонли Қарорининг амалга оширилиши бугун ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда. Масалан, 2006 йилдан бугунги кунгача бўлган даврда туманда қорамоллар сони ошиб бориб, ҳозирги пайтда 20840 бошни ташкил этмоқда. Кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан 50 бош сигир



бепул олиб берилди. 112 бош зотли қорамол келтирилиб, «ким ошди» савдоси орқали сотилди. Чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатадиган инфратузилма тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда. Мисол учун, туманда 4 та зооветеринария шохобчалари, 1 та қушхона ташкил этилди. Айниқса, қишлоқларда омукта ем, кунжара, шелуха, кепак сотиш бўйича 4 та ихтисослаштирилган шохобчалар ишлаб турибди.

Юртбошимизнинг халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилишга муносиб ҳисса қўшган миришкор-деҳқонларга йўллаган табриги яратувчанлик меҳнати билан банд бўлган деҳқон-фермерлар, ижарачиларни янада руҳлантириб юборди. Сўхлик деҳқон ва фермерлар билдирилган юксак ишончни оқлаш, халқимиз дастурхони тўкин-сочинлигини таъминлаш мақсадида янги марраларни забт этишга интилиб яшамоқдалар.



## ҚҶЛИ ГУЛ ҲУНАРМАНДУ КОСИБЛАР МАСКАНИ

Сўхликлар қадим замонлардан буён ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келганлар. Яқин-яқингача деярли барча маҳаллаларда темирчилик дўконлари бўлиб, касб-ҳунар сирлари авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирилган. Сўхлик темирчилардан уста Ҳақим, уста Аҳмад, Мулло Ҳасан, уста Баракалар ясаган буюмлар водий буйлаб шухрат қозонган эди.

Тандир ясашда уста Хидир, уста Аҳмадларга тенг келадиганлар йўқ эди. Пойафзал тайёрлашда Уста Мирсаид, Арғунбой, Нусратбой, Абдусалом, Желонбой, Раҳматжон, уста Умаржон каби косибларнинг номлари машҳур бўлган.

Аравасоз усталар – Уста Зайниддин, Уста Садриддин пишиқ-пухта аравалар ясаб, халқ орасида «Аравачи уста» номини олишган.

Халқ меъморчилиги, ёғоч ўймакорлиги бобида уста-дурадгорлар Мирзокарим Искандаров, Усто Аброр, Усто Исобой, Усто Шоди, Усто Абдурахмон донг таратганлар. Уларнинг меъморчилик санъати Сўх воҳасида бунёд этилган масжидлар, чойхоналар, дам олиш масканлари, меҳмонхоналарда ўз аксини топган бўлиб, нозик ва бетакрор қирралари билан ҳалигача томашабинларни лол қолдириб келмоқда.

Сўхда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Қоғоз ишлаб чиқариш обжувозлари Қўқоннинг Мўйи Муборак дарвозаси маҳалласида жойлашган бўлиб, кейинчалик хоннинг буйруғи билан Сўх дарёси ёнида жойлашган Қалъача қишлоғига кўчирилган. Қоғоз ишлаб чиқариш билан Каримчабой, Муллобобо, Мулло Фозил, Мулло Ҳомидлар





шуғуланганлар. Шунинг учун ҳозиргача халқ орасида Қалъача қишлоғини «Қоғозгарлар қишлоғи» деб атайдилар.

Ўрта асрлардан бошлаб ишлаб чиқаришнинг айрим турларига ихтисослаштирилган маҳаллалар вужудга келган. Бу маҳаллаларда касиб-хунармандлар сулоалари яшаган. Ҳозиргача Сўхта қоғозгарлар, («маҳаллаи қоғозгарон»), кўнчилар («маҳаллаи чармгарон»), баққоллар («гузари баққолон»), аравасозлар («гузари аравасозон»), тандирчилар («гузари тандурчи»), кулоллар («гузари кулолон») темирчилар («гузари оҳангарон») каби маҳалла ва гузарлар мавжудлиги бу ерда юқорида санаб ўтилган касб-хунарлар ривожланганлигидан далолат беради.

Аёллар ўртасида каштачилик, дўппидўзлик, тўндўзлик, чорсидўзлик каби хунарлар ривожланган бўлиб, қишлоқ хўжалик юмушларидан бўш бўлган пайтларида, айниқса, қишнинг узун кечаларида ушбу ишлар билан шуғуланганлар. Айниқса, ҳар бир хонадонда қуроқдўзлик, сўзанадўзлик, каштачилик санъатига оид намуналарини учратиш мумкин. Сўхлик аёллар томонидан тикилган «Қатлама қуроқ», «Турна қатор», «Чашми ало», «Заҳми чашм» каби қуроқ маҳсулотлари нафақат хонадонларда, балки кўп музейларда экспонат сифатида сақланади. Ҳозирги пайтда ҳам аجدодлардан мерос бўлиб, наслдан наслга ўтиб келаётган касб-хунар сирларини ёшлар «уста – шогирд» анъаналари асосида давом эттириб келмоқдалар. Демак, анъанавий касб-хунарлар янги мазмун ва маъно касб этмоқда.



## ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «...бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айти шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканлигини ҳеч унутмаслигимиз даркор». Шунинг учун, республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айти мақсадда мавжуд норматив-ҳуқуқий база қайта кўриб чиқилиб, янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Тадбиркорлик ва хусусий бизнес фаолияти учун қулай муҳит яратиш учун тадбиркорликни йўлга қўйиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалалари тартибга солиниб, анча соддалаштирилди. Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар камайтирилди, текшириш муддатлари қисқартирилди. Солиқ ва бошқа тўловлар енгиллаштирилди. Масалан, солиқ тўлов ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2012 йилга келиб 5 фоизга туширилди. Бу эса кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига қулай шароит яратди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликда иш ўринлари билан



бир қаторда банд бўлганлар сонининг ҳам ўсиши – аҳоли даромадлари ҳамда турмуш даражасини муттасил ошириб боришга хизмат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Қонунда имтиёзли кредит ресурсларига асосан узоқ қишлоқ туманларда иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи лойиҳаларни молиялаштириш назарда тутилган. Касаначиликка, хунармандчиликка ҳамда уйда турли хил хизматлар кўрсатишга асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кўп болали аёлларни, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган тоифаларини иш билан таъминлашга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Уй меҳнатини ривожлантириш бўйича имтиёзлар ва преференциялар берилиши натижасида миллий хунармандчилик, касаначилик, оилавий пудрат, фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2012 йили туманда 3003 та иш ўринларини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жами 3,1 млрд. сўмдан ортиқ тижорат банклари кредитлари жалб қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида йил давомида янги иш ўринлари яратиш режаси 3069 тага ёки 102,2 фоизга бажарилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобига режа юз фоизга, уй меҳнатини барча турлари бўйича режа 1116 та бўлиб, амалда 1179 та ёки 105,6 фоизга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига режа 737 та бўлиб, амалда 853 та ёки 115,7 фоизга, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига режа 175 та бўлиб, амалда тўлиқ бажарилди.

Касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 177 та ишсиз



фуқароларни иш билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 240 тага, яъни 135,6 фоизга бажарилди.

Туманда ҳозирги кунда 857 та юридик шахслар ва 668 та якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил давомида 67 та юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар Давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, шулардан 17 таси янги корхоналарни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида берилган солиқ имтиёзлари, аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида яратилаётган шарт-шароитлар туманда касаначиликнинг ривожланиб, кенг қулоч ёзишида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу соҳага кўрсатилаётган юксак эътибор туфайли барча қишлоқ ва маҳаллаларда касаначи аёлларнинг сафи ортиб бормоқда, уларнинг фаолият доираси кенгаймоқда. 2013 йилда туманда 3026 иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 975 таси аёллар учун ажратилди.

Қишлоқ аёллари меҳнат фаоллигини оширишда ҳар йили туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган «Энг фаол касаначи аёл» ҳамда «Ташаббус» каби кўрик-танловларнинг аҳамияти беқиёсдир. «Тадбиркор аёллар» уюшмаси қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш, уларни касаначиликка жалб этишда салмоқли ишларни амалга оширмоқда.




## ҚИШЛОҚҚА САНОАТ КИРИБ КЕЛМОҚДА

Иқтисодий ривожланиш аҳоли турмушининг фаровонлашувиغا, турли кичик корхоналар ва оилавий тадбиркорликнинг йўлга қўйилишига сабаб бўлмоқда. Йил сайин қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, озиқ-овқат, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, турли замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар сони ортиб борапти. Шулардан бири истиқлол йилларда қурилиб, фаолият юритаётган «Сўхдон» корхонаси туман ҳаётида катта аҳамиятга эга. Биринчидан, етиштирилган 4000 тонна донни қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қондираётган бўлса, иккинчидан, туман хўжаликларини ҳамда аҳолисини чорвабоп ем ва кепак билан таъминлаб келмоқда.

Тадбиркор Мухторжон Қамбаров биринчилардан бўлиб Тул қишлоғида пишиқ ғишт, оҳактош ҳамда мрамар ишлаб чиқарувчи «Сурааттош» корхонасини ишга туширди. Ғазнов қишлоғида тадбиркор Мадалихўжа Азамов оҳактош, гипс ва гипсокардон ишлаб чиқарувчи «Мулки Парвина» корхонасини очди. Мазкур корхонага 2 млрд. 30 миллион сўмлик маблағ эвазига хориждан замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Ҳозирги кунда корхонада 50 та янги иш ўринлари яратилиб, коллеж битирувчилари иш билан таъминланди.

Сўх Чашмаси шифобахш сувини инсонлар қадимда, тош асри даврида ўзлаштириб, унинг атрофида ўтроқлашиб жойлашганлар. Булоқ суви табиий софлиги ва минералларга бойлиги билан дунёда олдинги ўринларда туради. «Сўх-Чашма» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этган маҳаллий тадбиркор Ҳабибулло Ёрматов халқ орасида «минг



дардга даво» сифатида шухрат қозонган булоқ сувини 0,5 литрлик, 1 литрлик, 1,5 литрлик ҳамда 5 литрлик пластмасс идишларга қадоқлаб, халқимизга тақдим этмоқда. Корхонага хориждан келтирилган 300 млн. сўмлик замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Пировардида 50 нафардан ортик сўхлик ёшлар, айниқса 20 нафар коллеж битирувчилари иш билан таъминландилар. Корхона келгусида турли ичимлик ва мева шарбатлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, қўшимча иш ўринларни яратишни режалаштирмоқда.

Сариканда қишлоғида хорижий сармоя иштирокида «Омади Пайрави Ҳикматжон» хусусий корхонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда гўшт ва колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «Ғайрати Акмал» хусусий корхонасида шлакоблок ва Демирсад қишлоғилик оилавий тадбиркор Ғофуржон Мизонов томонидан йўл плиталари ишлаб чиқарилмоқда. Тароватли шаҳарча фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган «Жилои Қаҳрамони Сўх» хусусий корхонаси эса буюртмачиларга қурилишбоп плиткаларни етказиб бермоқда.

Туман иқтисодий ҳаётида саноат корхоналарининг ўз ўрни бор. Ўтган йили улар томонидан 7 млрд. 203 млн. сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 10 фоизга ўсди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ аёлларини ижтимоий-иқтисодий ҳаётга жалб этиш, вақтинча ишламаётган аёлларнинг ўз бизнесларини очишлари, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлари Бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамкорлигида тадбиркорлик соҳасида



ўзини синаб кўриш ниятидаги аёлларни аниқлаб, касаначилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланишлари учун бизнес-режа тузишларида, имтиёзли кредитлар олишларида яқиндан кўмак бердилар.

Шундай тадбиркор аёллардан бири Марҳабо Насриевадир. Аввал ўз уйида чеварчилик билан шуғулланиб, қишлоқ қизларига бичиш-тикиш сирларини ўргата бошлаган М. Насриева кейинчалик туман марказида «Марҳабо» ўқув марказини очди. Марказда хотин-қизларга чеварчилик, қандолатчилик, тиббиёт ҳамшираси курсларида тегишли касбларнинг сир-асрорлари ўргатиляпти. Пировардида юзлаб вақтинча ишламаётган аёллар ҳамда қизлар касб эгалари бўлиб, ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйдилар.

Хушёр қишлоғилик Гулзора Мўъминова эски бинони таъмирдан чиқариб, «Гузари Лазизбек» хусусий корхонасини очди. Эндиликда бу чекка қишлоқда 10 нафардан ортиқ хотин-қизлар тикувчилик ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган бўлдилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М. Хўжаева ҳамда вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси бошлиғи М. Салмоновалар Хушёр қишлоғилик тадбиркорларга 10 дона ҳозирги замон тикув машиналарини совға қилдилар. Яқин келажакда вилоят марказидан мутахассисларни жалб этиб, қишлоқ хотин-қизларига замонавий кийим-кечак тикиш, пазандачилик, косметология сирларини ўргатиш мақсадида ўқув курсларини очиш режалаштириляпти.

Қишлоқ хотин-қизларини ижтимоий меҳнатга жалб этиш мақсадида Сўх қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Гузари Амирбек» хусусий корхонасида 20 нафар иш ўринлари яратилди. Шунингдек, замонавий касб-хунарлар каторида Сўх воҳасида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган



миллий қуроқдўзлик, сўзана, руижо тикиш анъаналари қайта тикланибгина қолмай, янада ривожланиб бормоқда. Сўхлик қуроқдўзларнинг «Қатлама қуроқ», «Турна қатор», «Чашм» каби қуроқ хиллари шуҳрат қозонган.

Ғазнов қишлоғилик тадбиркор аёл, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» Г. Маҳбубова «Баҳригул» миллий тикувчилик корхонасини очиб, момолардан мерос қолган санъатни ёшларга ўргатиш билан бирга янги иш ўринлари яратишга ўз ҳиссасини қўшапти. Сариканда қишлоғида Субхонали Нишонов томонидан «Ахмади компьютер сервис» оилавий корхонаси ташкил этилган бўлиб, 2 та иш ўрни яратилди. «Орзуи Шохжаҳон Шерзод» нон тайёрлаш оилавий корхонасида 6 та иш ўрни яратилган. Оилавий тадбиркор Зафаржон Мирзоев тикувчилик ҳамда миллий пишириқлар тайёрлаш хизматини йўлга қўйиб, 2 та одамни иш билан таъминлади. Ровон шаҳарчасида тадбиркор аёл Таҳмина Тўхтасинованинг саъй-ҳаракатлари билан иш бошлаган «Таҳмина – Жасмина» оилавий корхонасида 4 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Сариканда қишлоғида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида оилавий тадбиркор аёл Наргиза Ҳайдарова томонидан оилавий корхона фаолиятининг йўлга қўйилиши 3 та янги иш ўрнини яратиш имконини берди. «Нони гарми Сўхиён» ва «Ҳазратилло» хусусий корхоналари томонидан нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мини цехлар ташкил этилди.

Чорва ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари сони ҳам ортиб борапти. Сариканда қишлоғидаги «Даврон – ҳожи» фермер хўжалигида аҳолини тухум ва товуқ гўшти билан таъминлаш мақсадида 2000 бош парранда парвариш этилмоқда. Фермер хўжалиги бошлиғи Каримҳожи Ғоибназаров





туман аҳолисини қишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида иссиқхоналар қуриб, ишга туширди. Кўптармоқли «Мирзо Абдулло» фермер хўжалигида 250 миллион сўм маблағ эвазига аҳолини қиш мавсумида сабзаёт маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида иссиқхона ҳамда паррандачиликни ривожлантириш ва туманда парранда бош сонини кўпайтириш мақсадида инкубация ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу фермер хўжалигида 14 та иш ўринлари мавжуд. «Мухтасари Ҳанифа» деҳқон хўжалиги томонидан 8 млн. сўмлик банк кредити ҳисобидан 2 минг бош парранда олиб келинди ва Тароватли шаҳарчасида паррандачилик хўжалиги ташкил этилди.

Тадбиркорликни ривожлантиришда туман ёшларининг улуши салмоқли бўлмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳукуратимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан оқилна фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида «Агробанк» ҳамда Халқ банкидан 51 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар олдилар.

Сўхлик тадбиркорлар янги қўшимча иш жойларини яратиш, қишлоқ аёлларини, айниқса коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, туман иқтисодиётини ривожлантиришга азму қарор қилганлар.



## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН

Юртбошимизнинг 2010 йил 17 июнда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Сўх туманида шаҳардагилардан қолишмайдиган, барча шароитларга эга уй-жойлар бунёд этилмоқдаки, улар қишлоқлар чиройига чирой қўшиб, манзилларимизни янада обод, гўзал ва кўркем қилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бошланганида буён кўп вақт ўтмаган бўлсада, бугунги кунгача туманнинг Зангат массивида 15 та оилага мўлжалланган янги, кўркем бинолар қад ростлади. Тул қишлоғида эса 10 та оилага мўлжалланган замонавий уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга уй-жойларга кўчиб ўтган оилаларнинг қувончи чексиз. Бир-биридан гўзал ва фойзли хонадонлар ҳамюртларимизнинг ҳаётига янгича мазмун бахш этиб, турмушнинг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилмоқда. Шунинг учун, қишлоқ аҳли қалбида бахтиёрлик шуқуҳи ва шукроналик ҳисси барқ урмоқда.

Туман иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада вилоят ҳокимлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ вакиллари туманга тез-тез ташриф буюрмоқдалар, аҳоли билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, таклифларини ҳаётга тадбиқ этишда тизимли ишларни олиб бормоқдалар. Натижада «Сўх-Чашма» минерал сув ишлаб чиқариш



корхонаси ташкил этилди, Хушёр қишлоғи ичимлик суви билан таъминланди ҳамда касб-хунар коллежи барпо этилди, шунингдек, тумандаги қатор мактаблар таъмирланди ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Ўтган йилларда тумандаги кичик йўллар кенгайтирилиб, чорраҳаларга светофорлар ўрнатилди. Янги савдо мажмуалари, маҳалла гузарлари, турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кенг ва равон кўчаларнинг атрофидаги анвойи гуллар ва манзарали дарахтлар маҳаллаларнинг кўркига кўрк ва чиройига чирой қўшмоқда. Кўча ва хонадонларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш учун барча маҳалла аҳли, ёшу қари жалб қилинди. Шунингдек, томорқалардан унумли фойдаланиш юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилиб, тегишли мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Ёшларнинг бўш вақти мазмунли ва мароқли ўтказилишини таъминлаш, уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб улғайишлари учун 2012-2015 йилларда Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Дастур бўйича 5 та мактабда спорт заллари қуриш жараёнида 1831 млн. сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда туманда Мусиқа мактаби, Болалар спорт мактаби ҳамда Ёшлар истироҳат боғини бунёд этиш ишлари бошланиб кетди. Шунингдек, 3 та мактабгача таълим муассасаларини таъмирлашга 360 млн. сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Электр тармоқларини таъмирлаш учун 12 та лойиҳа асосида 95 млн. сўм маблағ ўзлаштирилади.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 2012-2015 йиллар давомида 15 км. сув тармоғини тортиш ишларига 416 млн. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. 47 млн. сўм маблағ ҳисобига 2 та (Қизилқиёқ – Шарқобод қишлоқларидаги автомобиль йўлининг 7-8 километридаги



ҳамда Тул – Қалача – Ғазнов қишлоқларидаги автомобиль йўлининг 0,36 километридаги) кўприк таъмирланади.

Бугунги кунда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ҳам туманда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



## СОҒЛОМ ҲАЁТ – СОҒЛОМ АВЛОД ДЕМАК

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ушбу тизимни ислоҳ қилишда муҳим омил бўлди.

Республикамизнинг барча туманлари қатори Сўхда ҳам аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунда туманда 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 10 та қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) фаолият кўрсатмоқда. Улар 14 та ЭКГ аппарати, 4 та УТТ аппарати, 2 та ФЭГДС аппарати, 3 та рентген аппарати ҳамда сунъий нафас олдириш, наркоз бериш, чақалоқларни муҳофаза этиш аппаратлари билан таъминланган.

Марказий шифохонанинг барча бўлимлари замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Муассасада 56 нафар олий тоифали врачлар, 345 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ҳамда 302 нафар кичик тиббиёт ходимлари меҳнат қилиб келмоқдалар. Туман марказий шифохонаси 5 та «Дамас» русумли «Тез тиббий ёрдам» автомашиналари билан таъминланган. Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 8 та стационар, 4 та мобиль телефон ҳамда рация ишлаб турибди.

2009 йили 389 млн. сўм маблағ сарфланиб, янги кўп тармоқли поликлиника қурилиб, ишга туширилди.




2012-2013 йилларда 18058 нафар туғиш ёшидаги аёл тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликлар бўйича тегишли соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилди. Умумтаълим ҳамда ўрта-махсус ўқув масканларида таҳсил олаётган ўғил - қизлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликларидан даволандилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари талабларини амалга ошириш мақсадида туман соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари барча туғиш ёшидаги аёллар соғлигини назорат қилиш, уларда кечадиган турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволаш ишларини амалга ошириб бормоқдалар.

Шунингдек, туғиш ёшидаги аёллар, коллеж, лицей, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчи қизлари ўртасида тиббий маданиятни ошириш мақсадида турли чора-тадбирларни белгилаб, тушунтириш ишларини доимий равишда йўлга қўйганлар. Туманнинг барча аҳоли пунктларига, айниқса, чекка қишлоқларига ҳам республика ҳамда вилоят марказидан юқори малакали тиббиёт ходимлар ташриф буюриб, касалликларни аниқлаб, маслаҳатлар бермоқдалар.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича аҳолига тиббий маслаҳатлар бериш, ташхис қўйиш, профилактика ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштиришга оид аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Тиббиёт ходимларининг маҳаллий телевидение



ҳамда матбуотдаги чиқишлари аҳолининг тиббий маданияти ошишига хизмат қиляпти.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги олиб борилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, носоғлом болалар туғилишининг, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш ҳисобига туманда умумий ўлим кўрсаткичи ҳар 1000 нафар аҳолига 4,2 га, болалар ўлими кўрсаткичи 1000 тирик туғилишга 11,2 га пасайган, туғруқ ёшидаги аёллар ўлими эса қайд этилмаган.

Аҳоли ўртасида мунтазам ўтказилаётган эпидемияга қарши тадбирлар, эмлашлар натижасида эпидемиологик барқарорликка эришилмоқда.

2012-2013 йилларга мўлжалланган Дастур асосида Ровон қишлоғида жойлашган марказий шифохона ҳудудида қўшимча 30 ўринли болалар, 25 ўринли юқумли касалликлар бўлимлари учун янги бино қурилиши ва мавжуд биноларни қайта қуриш ва мукамал таъмирлаш ишларига 3,1 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Сўхдан етишиб чиққан шифокорлар, нафақат ўз ҳудудларида, балки республикаимиз ҳамда вилоятимизнинг турли тиббиёт марказларида фаолият олиб бориб, халқимиз томонидан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келмоқдалар. Жумладан, тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Одиллов, вилоят кардиология шифохонаси бош ҳакими Маъруфжон Эгамов, таниқли тиббиётчилар Сухроб Асқаров, Икромжон Аҳмедов, Назаржон Исоев, Назаржон Назиров, Анваржон Тўйчиев, Савридин Тутиев, Фарҳод Пўлатов, Умарали Каримжоновлар билан фахрлансак арзийди.




## ДУНЁ ИМОРАТЛАРИНИНГ ЭНГ ҚАДРЛИСИ...

Истиқдолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлод вакилларианинг таълим ва тарбиясига катта эътибор қаратиб келинмоқда. «Таълим тўғрисида» ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» каби муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниб, амалга оширилганлиги ўз самарасини бериб, бугунги кунда республикамиз таълим тизими дунё миқёсида тан олинди. Таълим мазмуни тубдан янгиланиб, ўқув муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 21 майдаги ПФ-343 сонли «2004-2009 йилларда мактаб тизимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан умумтаълим мактаблари бинолари тубдан янгиланмоқда. Бундан ташқари, ўқитувчилар меҳнатини қадрлаш борасида олиб борилаётган бир қатор ишлар мамлакатимизда мактаб таълими, фарзандларимиз тарбиясига катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Бугунги кунда биз ёшларимизга илм-фан сирларини эгаллашлари ва комил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ҳозирги пайтда туман халқ таълими бўлими тасарруфида 28 та барча типдаги мактаблар, 22 та мактабгача таълим муассасалари ва 7 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлиб, мактабларга 10940 нафар ўқувчилар, мактабгача таълим муассасаларига 2000 нафар ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларига 4300 нафар болалар жалб этилган. Мактабларда 1111 нафар, мактабгача таълим





муассасаларида 110 нафар ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида 106 нафар педагогик ходимлар ёш авлодга сабоқ бериб келмоқдалар.

Истиқлол йилларида тумандаги 1-, 2-, 4-, 8-, 20-, 22-, 23-, 24-сонли мактаблар капитал реконструкция, 5-, 7-, 9-, 12-, 14-, 15-, 16-, 17-, 18-сонли мактаблар капитал таъмирлаш, 3-, 6-, 10-, 13-, 19-, 21-, 25-сонли мактаблар, 1-, 2-, 3- сонли ихтисослаштирилган умумий таълим мактаб-интернатлари жорий таъмирлаш манзилли дастурига асосан тўлиқ таъмирланди. 11-, 12-, 18-сонли мактабгача таълим муассасалари мукаммал таъмирдан чиқарилди. 1-, 2-, 5-, 8-, 9-, 14-, 18-, 20-сонли мактаблар замонавий ўқув мебеллари, лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминланди. Шунингдек, 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 12-, 13-, 14-, 15-, 16-, 17-, 18-, 23-сонли мактаблар ҳамда 2-ИМИ интернет тармоғига улаш мақсадида давлат гранти асосида уяли алоқа воситаси билан таъминландики, бу мактаблар педагог ва ўқувчилари бугунги кунда «Ziyo.net» портали орқали таълим соҳасидаги замонавий янгиликлардан баҳра олиб келмоқдалар. 1-, 11-, 16- сонли умумий ўрта таълим мактаблари кластер мактаблар этиб белгиланиб, замонавий ахборот-коммуникация технология воситалари билан таъминланди. Эндиликда барча таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог-ходимлар дарс жараёнида замонавий техника воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча чоратадбирлар белгиланиб, турли мусобақалар, жумладан, «Чиройли ёзув», «Кичик Академия», «Мен билимимни келажак учун сарфлайман», «Кино-фото», «Иқтидорли болалар», «Дўст билан обод уйинг», «Варрақлар байрами», «Картинг



мусобақаси», «Ёш раққослар», «Автомодель мусобақаси», «Гуллар ва қушлар» байрами, «Ўлкамизни ўрганамиз» кўриктанловларини ўтказиш анъанага айланган.

Таълим муассасаларида «Устоз – шогирд» мактаби, «Фахрийлар Кенгаши» фаолияти яхши йўлга қўйилган бўлиб, ўзининг ижобий самарасини бермоқда. «Уч авлод учрашувлари» ўтказиш анъанаси катта ахлоқий-тарбиявий аҳамият касб этмоқда.

Фан олимпиадалари юқори савияда ташкилланиб, вилоят ва республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар сони йил сайин кўпайиб борапти. Истиқлол йилларида республика фан олимпиадаларида биринчиликка эришиб, олий ўқув юртларига имтиёзли асосда киришга муяссар бўлганлар қаторидан 7-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиси Рашид Акрабов, 1-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари Бехрўз Эрназаров, Шерзод Надирбоев, 9-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари Дилафрўз Маҳмудова, Субҳон Маҳмудов, Шавкат Мустафоев, 10-сонли мактаб ўқувчиси Равшан Додобоев, 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари Иномжон Иномжонов, Пайрав Аҳмедов, Иқбол Бобоҳайдаров, 2-сонли ихтисослаштирилган мактаб - интернат ўқувчиси Нурбек Илёсов, Ҳамид Мельников, Рустам Собиров, Бобожон Ғадоев, Зариф Ғадоев, Санжар Ҳисомовларни ифтихор билан таъкидлаш мумкин. 1-ИМИ ўқувчилари Шоҳид Аҳмаджонов ва Давлат Полвонжоновлар давлат тили фанидан республика фан олимпиадаси ғолиби бўлдилар. Эришилган ютуқларда уларнинг устозларлари ҳамда мактаб раҳбарларининг муносиб ҳиссалари борлигини таъкидлаш зарур.

Ёш авлод таълим-тарбияси соҳасида фидойилик кўрсатиб, келажагимиз пойдеворини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган туманнинг бир қатор маорифчилари юксак



давлат мукофотларига муносиб деб топилдилар. Жумладан, Обидхўжа Иброҳимов ва Абдурахим Абдусаломовлар «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», Савроқ Эрназаров «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», Ҳомиджон Одиллов ва Бегали Болтаевлар «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», Гулчехра Маҳбубова «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонларини олишга муяссар бўлдилар. Шунингдек, Ботирхон Ақрабов – «Меҳнат шуҳрати», Шаҳодат Бойболаева, Икромали Қодиров, Гулшан Зарипов – «Дўстлик» ордени, Ҳакимжон Мирзокаримов, Муҳаммадсобит Гадоев, Ёқубжон Маҳмудов, Нуриддин Хўжамқулов, Жамоллиддин Эшонжоновлар «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар. Юздан ортиқ ўқитувчи ва мураббийлар ўзларининг намунали меҳнатлари, жонқуярлиги ва таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқлари учун «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишонига эга бўлдилар.

Умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ҳамда мактаб ўқувчиларининг спорт билан доимий шуғулланишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ровон қишлоғида «Сўғдиёна» спорт комплекси қурилиб, спорт билан шуғулланиш учун барча зарурий шароитлар яратилди. Ҳозирги кунда туманда 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида «Соғломжон ва Полвонжон» спорт мусобақаларини ўтказиш доимий анъанага айланган.

Барча таълим муассасаларида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш, норасмий диний оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш мақсадида туман «Камолот» ЁИХ, туман ИИБ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман ҳокимлигининг «Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси» ходимлари томонидан



чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Режа асосида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Таътил мавсумида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида «Навбахор» болалар боғчаси, 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби, 2-ИМИ, 14-умумий ўрта таълим мактаби, «Дилафруз» болалар боғча-мактаб мажмуаси қошида оромгоҳлар ташкил этилиб, 400 нафардан кўпроқ болалар ҳордиқ чиқармоқдалар. Кам таъминланган оилалар фарзандлари, васийлик ва ҳомийликдаги болалар мактаб ишлаб чиқариши ҳамда ҳомийлар кўмаги билан кундузги оромгоҳларда дам олмақдалар. 25 нафардан кўпроқ болалар таътилни ҳар йили «Кўқон» ва «Арсиф» оромгоҳларида ўтказиш имкониятига эгалар.

Бир сўз билан айтганда, бугун мустақил Ватанимиз – серкуёш Ўзбекистонда мактаб дунё иморатларнинг энг қадрлисига айланган.



## КЕЛАЖАГИМИЗ БИЛИМЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Ҳар бир халқ ва миллатнинг куч-қудрати унинг фарзандлари қанчалик соғлом ва баркамол қилиб тарбияланаётганлиги билан белгиланади. Истиқлол шарофати билан туман ёшлари учун 1 та академик лицей, 3 та касб-ҳунар коллежлари бинолари энг замонавий лойиҳалар асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги «1999-2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида» ги 406-сонли қарорига мувофиқ республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида бўлганидек Сўх туманида ҳам академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари шаклланди. Уларнинг ичида Сўх қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биринчи қалдирғоч саналади.



## СЎХ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Ушбу касб-ҳунар коллежи 2001 йили Сўх бизнес-мактаби негизида ташкил этилди. Ўқув юрти 4937 кв.м. ўқув майдонидан иборат бўлиб, шундан 2477,3 кв. м. ўқув-аудитория биноларига, 850,5 кв. м. лабораторияга, 683,7 кв.м. ётоқхонага, 925,5 кв.м. эса ёрдамчи иншоотларга ажратилган.

Коллежда ўқувчи-ёшларнинг яхши ўқиши ва дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Тиббий пункт, 50 ўринли ошхона ҳамда 50 ўринга мўлжалланган, умумий майдони 326,5 кв. м. ни ташкил этадиган, замонавий дизайн ва мебель жиҳозларига эга ётоқхона мавжуд.

Ўқув жараёни илғор ахборот-технология воситалари асосида олиб борилади. Коллежда 2 та компьютер синфи, информатика хонаси, 26 та шахсий компьютер, мультимедиа ва лингафон хоналари мавжуд.

Ўқув ва касбий амалиётларни таъсирчан ҳамда мароқли ўтказиш мақсадида коллеждаги 2 та тикувчилик устахонаси 20 та тикув машиналари билан жиҳозланган.

«Қишлоқ хўжалиги машиналари ва жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш», «Автомобилларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш», «Трактор», «Агрономия» мутахассисларини тайёрлаш учун ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган «Йўл ҳаракати қоидалари», «Автомобиль тузилиши» ўқув хоналари, «Автомайдон» ташкил этилган. Ҳайдовчилик кўникмаларини ҳосил қилишлари ва малакаларини оширишлари учун ёшлар ихтиёрига «Дамас», «Тико», «Матиз» русумли енгил автомашиналар, «Камаз», «Газ-53» юк машиналари, «ТТЗ – 80» русумли тракторлар, «Дамас» автомобиль тренажери берилган.



Коллежда 4 йўналиш бўйича жами 871 нафар ўқувчи, шундан 427 нафари қизлар, таҳсил олмоқдалар. Битирувчилар ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини уч томонлама шартномалар асосида тумандаги ташкилот ва корхоналарда ўтаб, ўқишни битирганларидан сўнг ўша ташкилот-корхоналарга ишга қабул қилинадилар.

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 34 та фан ва спорт тўғараклари фаолият юритмоқда, уларда 576 нафар ўқувчи-ёшлар фаол қатнашмоқдалар. Шунингдек, Ахборот-ресурс маркази ҳам ёшлар хизматида. Коллежда барча миллий ва умумхалқ байрамларимизни тантанали тарзда нишонлаш анъанага айланган.

Ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида туман ва вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, маънавият-тарғибот бўлими, шоиру ёзувчилар, олимлар ва ижодкорлар билан учрашувлар, адабий кечалар, фан ойликлари ўтказилиб турилади. Айниқса, туман ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот органлари, «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» «Сиз оила қуришга тайёرمىсиз?», «Қувноқлар ва зукколар», «Энг оқила қиз» танловлари ҳамда турли спорт мусобақалари ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларини, оила қуришга тайёргарлигини оширишга, эрта никоҳларнинг, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Коллежда фаолият олиб бораётган иқтидорли ва салоҳиятли ўқитувчи-педагоглар ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга илмий изланишлар олиб бормоқдалар, услубий тавсияномалар ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўқув юрти ўқитувчи-муҳандислари томонидан фанлар бўйича 100 га яқин маъруза матнлари, алоҳида мавзуларни ўтиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган бўлиб, ўқувчилар улардан кенг фойдаланмоқдалар.



Коллеж ўқувчи-ёшларининг касб маҳоратларини ошириб боришда «Устоз – шогирд» анъанаси ҳамда ўтказилаётган «Касб маҳорати» кўрик-танловлари катта аҳамиятга моликдир.

Ўтган йиллар мобайнида Сўх қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи туман халқ хўжалигининг турли соҳалари учун 3500 нафарга яқин мутахассислар тайёрлаб берди.





## СЎХ ИЖТИМОЙИ, ИҚТИСОДИЙ ВА ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Туман ёшларига мустақиллик тухфаси тариқасида 2004 йили Янгиариқ қишлоғида 600 ўринли ижтимоий-иқтисодий ва педагогика касб-ҳунар коллежи ўз фаолиятини бошлади. Коллеждаги таълим ва тарбия ишлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Давлат таълим стандартлари, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарор ва кўрсатмалари асосида ташкил этилган.

Ўқув юртида «Бошланғич таълим-тарбия», «Бошланғич синфларда жисмоний тарбия», «Мактабгача таълим», «Информатика», «Бухгалтерия» ва «Енгил саноат технологияси» йўналишлари бўйича ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрланади. Уларга 45 нафар олий маълумотли ва 3 нафар ўрта-махсус маълумотли муҳандис-педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқдалар.

Ёшларнинг ўз танлаган касблари бўйича ҳар томонлама пухта билим ва касбий малака олишлари учун барча шароитлар яратилган. 24 та ҳозирги замон технологиялари билан жиҳозланган фан хоналари, 2 та лаборатория, 1 та компьютер хонаси, 1 та ўқув устахонаси улар ихтиёрида.

Коллеж тасарруфидаги барча қулайликларга эга Ахборот-ресурс маркази ҳозирги кунда 14 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Марказ электрон дарсликлар билан таъминланган.

Қизларнинг тикувчилик сир-асрорларини пухта ўзлаштиришлари учун барча қулайликларга эга, «Зингер» маркали




тикув машиналари билан жиҳозланган тикувчилик ишлаб чиқариш таълим хонаси ташкил этилган.

Ўқувчи-ёшларни жисмонан етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, улар ўртасида турли спорт уйинларини оммалаштириш, коллеж ҳамда туман миқёсида энг кучли иқтидорли спортчиларни аниқлаш мақсадида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва доимий равишда гуруҳлараро спорт мусобақалари ўтказилиб, голиблар маъмурият ҳамда ҳомийлар томонидан рағбатлантирилиб келинмоқда. Коллежда барча қулайликларга эга спорт комплекси, тренажёр, спорт зали мавжуд.

Ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кучли ва жисмонан бақувват бўлиб улғайишларига кенг шароитлар яратиш мақсадида 17 тадан ортиқ спорт ва турли фан тўғарақлари ташкил этилган бўлиб, 700 нафардан ортиқ ўқувчилар машғулотларда мунтазам қатнашадилар.

2012-2013 ўқув йили коллежда таҳсил олган жами 1080 нафар ўқувчининг 370 нафарини битирувчилар ташкил этди. Улар тумандаги ташкилот ва корхоналар билан тузилган уч томонлама шартнома асосида иш билан таъминландилар. Ўқув юртида ўтказилган меҳнат ярмаркаси битирувчиларнинг ишга жойлашишлари учун қулай имконият яратиб берди.



## СЎХ АГРОСАНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2008 йили Тул қишлоғида барпо этилган янги, замонавий бинода ўз фаолиятини бошлаган коллеж 585 нафар ўқувчига мўлжалланган. Унда жами 31 та ўқув хонаси, 5 та ўқув устахонаси, 1 та спорт зали ҳамда Ахборот-ресурс марказига эга. 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона мавжуд.

Ушбу таълим муассасида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш механиги», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш ва сақлаш технологияси», «Ўсимликшунос – чорвадор, фермер», «Тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш технологи», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси», «Мактабгача оилавий ва махсус таълим тарбиячиси» йўналишлари бўйича ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда.

Педагогик жамоа аъзолари янги педагогик технологиялар, инновацион усуллардан фойдаланиб келмоқдалар. 31 нафар юқори малакали ўқитувчилар илм-фан ютуқлари ҳамда касб-ҳунар сир-асрорларини ёшларга қунт билан ўргатмоқдалар.

Коллежда 22 та фан хоналари, 3 та лаборатория хоналари, 5 та ўқув устахонаси, 16 та компьютер мажмуаси ўрнатилган компьютерда ишлашни ўрганиш хонаси фаолият юритмоқда. Барча қулайликларга эга Ахборот-ресурс маркази кенг ва қулай бинода жойлашган. Бу ерда 16324 дона китоб фонди жамланган. Шунингдек, электрон дарсликлар ҳам мавжуд бўлиб, ўқувчи-ёшлар улардан кенг фойдаланмоқдалар.

Туман ҳокимлиги, маънавият-тарғибот туман бўлими,



хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ЁИХ туман бўлими, ҳуқуқ- тартибот органлари ходимлари билан биргаликда турли мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, Республика маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов, Фарғона давлат университети олимлари Сиддиқ Мўмин, Аъзамжон Гадоев, Раҳматжон Арслонзода ва бошқа турли касб эгалари билан ўтказилган учрашувлар ёшларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Ўқувчи-ёшларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтказиш мақсадида 22 та фан ва спорт тўғарақлари ташкил этилган. Айниқса, «Ораста қизлар», «Нафосат», «Моҳир кўллар», «Ёш дизайнер», «Ёш техник», «Ёш чегарачи» каби тўғарақлар ёшлар тарбиясида салмоқли ўрин тутмоқда.

«Биз наркотик моддаларсиз ҳаёт тарафдоримиз», «Сиз оила қуришга тайёرمىсиз?», «СПИД – аср балоси», «Конституция ва шахс эркинлиги», «Тарихий хотирасиз – келажак йўқ» каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар катта ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда «Биз одам савдосига қаршимиз!», «Диний экстремизм, фундаментализм ва унинг моҳияти», «Ёшлар ўртасида наркотик моддаларни тарқатишга қарши курашамиз!», «Кашандалик ва унинг инсон саломатлигига зарари» мавзуларида ўтказилган давра суҳбатлари, кўрсатилган видеотасмалар ёшларда катта таассурот қолдириб, уларни ёт ғояларга, «оммавий маданият» таъсирига берилиб кетмасликка, ҳамиша огоҳ бўлишга ундамоқда.



Ёшлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига кенг жалб этилиб, коллеж тасарруфидаги мавжуд ер майдонидан самарали фойдаланилмоқда. Хилма-хил мева-ли ва манзарали дарахтлар, 30 сотих ерга сабзавот ва полиз экинлари экилиб, етиштирилган маҳсулотлар ўқувчиларни иссиқ овқат билан таъминлашга сарфланмоқда.



## ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ СЎХ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

Академик лицей 2009 йил 1 сентябрда ишга тушган бўлиб, туман таълим тизимида катта мавқега эга. Ушбу таълим муассаси ўқувчилари ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар, табиий фанлар ва хорижий тиллар йўналишлари бўйича пухта билим олмоқдалар.

Академик лицей 495 та ўринга мўлжалланган бўлиб, 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли фаоллар зали, 2 та компьютер хонаси, 3 та лаборатория хонаси, замонавий спорт зали ҳамда 3344 дона турли соҳаларга оид китоб фондига эга Ахборот-ресурс маркази, ошхона ўқувчи-ёшлар ихтиёрида.

Таълим даргоҳида Фарғона политехника институти профессор-ўқитувчилари билан доимий мулоқотлар ва учрашувлар ўтказилиб турилади.

Ўқувчи-ёшларнинг турли фанларга ҳамда спорт соҳасига бўлган иштиёқларини ҳисобга олиб, дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказишлари мақсадида 18 та фан ҳамда 6 та спорт тўғарақлари ташкил этилган.

Маъмурият томонидан туман ички ишлар бўлими, туман прокуратураси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими билан биргаликда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, бу борада салмоқли натижаларга эришиб келинмоқда. Академик лицей ўқувчи-ёшлари ҳозирги замон илм-фан сирларини пухта ўзлаштириш билан бирга туман ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган «Камолот қироличаси», «Сиз қонунни биласизми?»,



«Кувноқлар ва зукколар», «Шунқорлар» кўрик-танловларида фаол қатнашмоқдалар. «Соғлом оила – соғлом турмуш тарзи», «Ҳозирги ёшлар ҳаётининг муаммолари», «Сизга таъзим, устозлар», «Биз ёшлар жинойтчилик ва гиёҳвандликка қаршимиз!» каби мавзуларда турли кўрик-танловлар, билимдонлар беллашувлари, учрашув-мулоқотлар ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Ўқувчилардан Ҳайитжон Аҳмаджонов «Келажак овози» кўрик-танлови, Салимжон Акбаров «Камолот» ЁИХ томонидан таъсис этилган «Камолот стипендиати» танлови вилоят босқичларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасида лицейнинг «Жасур» жамоаси туманда биринчи ҳамда вилоят миқёсида фахрли ўринни қўлга киритди.

Ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга етарли шароитлар яратиб бериш доимий диққат-эътибордаги вазифалардан саналади. Айниқса, ижодкор қизлар Гулафруз Абдурахмонова, Хушнамо Ҳошимжонова, Мавзуна Шодибоевалар ўз маҳоратларига сайқал бериб келмоқдалар. Мавзуна Шодибоеванинг «Ганжи маъни» номли шеърий тўплами чоп этилиб, шеърият ихлосмандлари кўнглидан жой олди.

Сўхлик ёшлар Президентимиз ҳамда ҳукуватимиз, қолаверса, вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан Ватанимизнинг тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга азму қарор қилганлар.

Жорий йилда тумандаги 3 та касб-ҳунар коллежини 925 нафар, 1 та академик лицейни 134 нафар йигит-қизлар тамомладилар. Уларни ўз мутахассисликларига кўра ишга жойлаштириш, олий таълимга йўналтириш бўйича туман ҳокимлиги, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини



ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, мавжуд барча таълим масканлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар белгиланиб, меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Шунингдек, тумандаги ташкилот ва корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузилди. Бу тадбирларнинг эътиборли жиҳати шундан иборатки, битирувчиларга оилавий тижорат ва тадбиркорликни йўлга қўйиш, миллий ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланиш, бизнес-режа тузишга оид тегишли йўл-йўриқлар берилди.

Коллежлар маъмуриятлари, туман ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раҳбарияти ҳамкорлигида коллеж битирувчилари ўртасида ўтказилаётган «Менинг бизнес-режам» танлови ташаббускор ва изланувчан ўқувчи-ёшларни аниқлашда, уларнинг ўз бизнесларини ташкил этишларида муҳим туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва тадбиркорлик ташаббусини уйғотишда коллежлар қошида ташкил этилган ёрдамчи ўқув хўжаликлари ва устахоналар, иссиқхоналарнинг аҳамияти катта.

Энг қувонарлиси, сўхлик ёшлар катта орзу-умидлар билан яшаб, ижодкорлик ва ташаббускорлик руҳида келажакка дадил қадам қўймоқдалар. Уларнинг истаги – истиқлол берган имкониятлардан, Юртбошимизнинг ғамхўрликларидан унумли фойдаланиб, етук мутахассислар, комил инсонлар бўлиб етишиш ҳамда жонажон диёримизнинг янада обод бўлиши, гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшишдир.





## «КАМОЛОТ»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

Ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг эл-юрт корига камарбаста, баркамол инсонлар бўлиб улғайишларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим ўрин тутди. Бу борада ҳаракатнинг туман бўлими ҳам кўзга кўринарли ишларни амалга оширмоқда. Кенгаш томонидан сўхлик ёшларни турли ўқув марказларига, тикувчилик, ҳамширалик, спорт, компьютер саводхонлиги бўйича бепул курсларга жалб этиш йўлга қўйилган.

Ёшларни севган касбларига йўналтириш ҳамда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида доимий равишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Меҳнат инсонни улуғлайди», «Мутахассислигинг–сенинг келажагинг», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Менинг бизнес ғоям» шиорлари остида кўрик-танловлар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ҳамда меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда. «Камолот» ЁИХ туман кенгаши раҳбари Зайлидин Жўраев «Менинг бизнес ғоям» шиори остида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиб, фахрли ўринни эгаллади. Тумандаги 3 та касб-ҳунар коллежи, 1 та академик лицей ҳамда барча ташкилот ва корхоналарда «Очиқ эшиклар» кунини ўтказиш анъана тусини олган.

Ҳуқуқбузарликлар, гиёҳвандлик, турли бегона ва ёт оқимларга кириб кетишнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш мақсадида кенгаш ташаббуси билан ўқув масканлари, коллеж ва академик лицейларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Гиёҳвандлик–аср балоси», «Адашганлар қисмати», «Таҳдид», «Изтироб» каби видеороликлар, ҳуж-



жатли фильмлар намойиш қилиниб, муҳокама этилди. Шунингдек, ёшлар билан «Биз ОИТС га қаршимиз», «ОИТСсиз келажак сари», «Ёшлар гиёҳвандликка қарши», «Гиёҳвандлик-аср вабоси ва унинг салбий оқибатлари», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» каби мавзуларда соғлиқни сақлаш бўлими мутахассислари билан давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, учрашувлар, расмлар кўргазмалари, иншолар кўрик-танловлари ташкил этилмоқда.

Туман ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан ҳамкорликда Тароватли шаҳарча, Тул, Сўх, Дехмирсад, Сариканда маҳалла фуқаролар йиғинларида «Қулликка рози бўлманг», «Одам савдосига қаршимиз», «Огоҳлик – давр талаби» каби мавзуларда учрашувлар ва давра суҳбатлари олиб борилди.

Ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида, ўқув масканларида тиббиёт ҳамда туман ФХДЁ бўлими ходимлари билан ҳамкорликда «Соғлом она – соғлом бола», «Қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш», «Тиббий кўриқдан ўтишнинг аҳамияти» мавзуларида маърузалар тингланиб, видеокўрсатувлар намойиш этилди. Қизлар ўртасида «Сиз оила қуришга тайёرمىсиз?!» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида «Камолот» ЁИХ туман бўлими томонидан «Камалак билимдони», «Камолот маликаси», «Қўшиқ ва рақс», «Ёш иқтидор», «Йилнинг энг фа-ол етакчиси», «Камолот стипендиати», «Энг намунали бошланғич ташкилот» каби кўрик-танловлар ташкил этилиб, ғолиблар ҳомийлар томонидан рағбатлантирилмоқда.

Жорий йилда туман амфитеатрида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоялаш кунига бағишлаб «Дунёни беринг болаларга» ҳамда «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида вилоятимизнинг сеvimли санъаткорлари Қиличбек



Дўстов, Отабек Муҳаммадзоҳид, Абдужалил Қўқонов, Валишер Қодиров, Абулҳай Каримовлар иштирокида хайрия концерти ташкилланди.

Вилоят ҳамда туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгашининг ташаббуси билан 60 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Қўқон шаҳрининг тарихий обидалари, зиёратгоҳлари ҳамда шаҳарда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишишлари мақсадида саёҳат уюштирилди.


«Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови истеъдодли ёшларни танлаш ҳамда уларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Танловда қатнашган Наримон Мирзобоев кўрик-танловнинг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаб, қимматли совға ва диплом билан тақдирланди.

## НУРОНИЙЛАР ҲАР ИШДА ИБРАТ

«Нуроний» жамғармаси истиқлолимизни мустаҳкамлаш, ёшларимизни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларнинг ўз халқига, юртига содиқ инсонлар бўлиб етишишлари йўлида кўплаб эзгу ишларни амалга ошириб келмоқда. Халқимиз «Қариси бор ўйнинг – париси бор» деб бежиз айтмаган. Нуронийларимиз бизнинг фахримиз, жамиятимизнинг маънавий таянчидир. «Нуроний» жамғармаси туман бўлими иш фаолияти юқорида билдирилган фикрларни тўла исботлай олади десак, янглишмаган бўламиз.

Туманда 6350 нафарга яқин фуқаролар пенсия ва ижтимоий нафақа таъминоти билан қамраб олинган бўлиб, уларнинг 11 нафари иккинчи жаҳон уруш қатнашчиси, 236 нафари уруш орти меҳнат фахрийлари, 15 нафари ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз қариялар, 25 нафари 95 ва 100 ёшдан ошган нуроний отахон ва онахонлардир. Юртбошимиз, ҳукуратимиз ҳамда вилоят ва туман ҳокимликлари ғамхўрликлари туфайли уларга нисбатан эътибор ва эҳтиромли муҳит яратилди. Нуронийларга кўрсатиладиган ижтимоий кўмакни кучайтириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида пенсия ва нафақалар миқдори мунтазам ошириб берилмоқда. Ҳозирги кунда туман бўйича бир ойда 1 миллиард 548 миллион сўм пенсия, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга 313 миллион 798 минг сўм миқдордаги нафақа пуллари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 25 апрелдаги ПФ-4536 сонли Фармониға мувофиқ тумандаги иккинчи жаҳон



уруши қатнашчиларини ва ногиронларини рағбатлантириш мақсадида уларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан пул маблағлари ҳамда турли эсдалик совғалар топширилди. 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 15 нафар якка-ёлғизлар, 120 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, 150 нафар эҳтиёжманд қариялар стационар ва уй стационари шароитида соғломлаштирилди. Шулардан 118 нафари эса марказий касалхонада ташкил этилган «Нуронийлар» палатасида даволандилар.

40 нафар уруш қатнашчилари, 15 нафар якка-ёлғизлар, 62 нафар уруш орти, меҳнат fronti фахрийлари, 100 нафар байналмилалчи ва Чернобилчилар бюджетдан ажратилган 2914 минг сўмлик бепул дори-дармонлар билан таъминландилар. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан рўйхатга олинган 15 нафар ёлғизлар ва ногиронлар уйида ижтимоий хизмат кўрсатилиб, туман ҳокимлиги томонидан бириктирилган оталиқ ташкилотларнинг ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Уларни 8 хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари билан доимий бепул таъминлаш йўлга қўйилган. Ушбу мақсад учун ўтган йили 7 миллион 650 минг сўм бюджет маблағи сарфланди. 9 нафар ногиронлар ногиронлик аравачаси, 12 киши эшитиш аппарати, 33 киши қўлтиқтаёқ ва ҳассалар, 3 киши қўл-оёқ протези билан таъминланди, 253 нафар фахрийлар турли санаторияларда даволандилар. 198 нафар фахрийлар ҳомийлар ҳисобидан тарихий шаҳарларимиз – Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ҳамда водийнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб келдилар.

Бўлим томонидан фахрийларни қўллаб-қувватлаш, улар ҳаётининг қизиқарли ва мазмунли ўтиши ҳамда муҳтожларга



беғараз ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳамкор идоралар ҳамда ташкилотлар билан биргаликда 2012 йилда 3 мингдан кўпроқ фахрийларни жалб этган ҳолда, турли тадбирлар ўтказилди. 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз умумхалқ байрами, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрами, Рамазон ва Курбон ҳайитлари, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Ногиронлар куни, Конституция ва Янги йил байрамларида, шунингдек умумхалқ хайрия ҳашарлари кунларида бўлим, унинг жойлардаги жамоатчилик марказлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳомийлар, ҳамкор ташкилотлар ёрдамида фахрийларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш мақсадида яқин 1200 нафар уруш ва меҳнат фахрийларига, яқка-ёлғизлар, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 37 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам, турли озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда байрам совғалари берилди. Фахрийларга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, байрам тантаналарининг азиз меҳмонлари бўлмоқдалар. Биргина «Нуроний» жамғармаси туман бўлими томонидан йил давомида 320 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлган жангчилар оилалари, ётиб қолган қариялар, 90-100 ёшли мўътабар отахон ва онахонлар ва кам таъминланган оилаларга 4 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамғарманинг туман бўлими таркибида фаолият кўрсатаётган 22 нафар тадбиркорлар томонидан 180 кишига 1200 минг сўмлик ҳомийлик ёрдам кўрсатилди. 4 та кам таъминланган оила вакиллари ва уруш фахрийлари дафн маросимида 350 минг сўмлик ун, ёғ ва бошқа маҳсулотлар билан ёрдам кўрсатилди. Бўлим таркибида асаричилик



хўжалиги фаолияти йўлга қуйилган бўлиб, ҳар йили хўжалик даромадидан 36 нафар фахрийларга 600 минг сўмликдан ортиқ бепул асал тарқатилади. Республика ҳукуматининг чегара ҳудудида жойлашган туман ва қишлоқ аҳолиси ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида кўрсатган беминнат ёрдами ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Вилоят «Маҳалла» жамоат фонди ва вилоят касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан биргаликда 3000 хонадонга бир қопдан ун, 1 тонна шакар, 1600 кг. кир совуни, 1,5 тонна турли ширинликлар, 2,5 тонна гуруч, 250 тонна кўмир бепул тарқатилди. Вилоят касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 40 та кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 2 миллион сўмдан, жами 80 миллион сўм моддий ёрдам сифатида тарқатилди.

9 май–Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳомийлар ҳисобидан яқин 700 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари, «Дори-дармон» компанияси томонидан тайёрланган 2452 минг сўмлик 14 та тиббиёт қутичалари уруш фахрийларининг уйларига етказиб берилди.

Бўлим ташаббуси билан туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, маънавият-тарғибот туман бўлими ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Уч авлод учрашуви» тадбирлари ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Бундай учрашувларда уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларни бугунги тинч ва фаровон ҳаётнинг қадрига етишга, Она-Ватанга садоқат, ҳурмат, халқ ва юрт ишига даҳлдорлик туйғуси билан яшашга, мустақил фикрга эга бўлишга, тўғри йўлдан юришга ундаб, уларга муҳим ҳаётий сабоқлар бериб келмоқдалар.

Маҳаллаларда бўладиган турли маросимлар нуронийлар



иштирокисиз ва маслаҳатисиз ўтмайди. Улар тўймаъракаларни камчиқим ва тежамкорлик билан ўтказишда, маҳалла аҳлининг тинчлик- осойишталигини таъминлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Жамғарманинг туман бўлими кенгаш аъзолари Раҳмонжон Зокиров, Турғунбой Зайниддинов, Ҳаётжон Мамажонов, Тўрабек Мирзотўрабеков, Карим Ғоибназаровлар, Султонали Болтаев, Парпибой Ашуров, Салоҳидин Завҳаров, Абдувоҳид хожи Болтабоев, Алимухаммад Пулодов, Субҳиддин Шарофиддинов, Баёзиддин Зиёвиддинов, Ота Ҳамроалиевлар маҳаллалардаги тўймаъракаларда, ўқув юртларида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиб, ёш оилалар, ўқувчи-ёшлар ўртасида миллий менталитетимизга хос тарзда инсоф-диёнатли, меҳр-оқибатли, ифқат-назокатли, андишали ва сабр-тоқатли, ахлоқ-одобли бўлиш, ўз ишига масъулият билан ёндашиш каби инсоний фазилатларни тарғиб этиб келмоқдалар.

Кекса авлод вакиллари ўтказилаётган «Уч авлод учрашувлари»да, турли маданий-маърифий кечаларда, «Обод маҳалла» фестивали ва байрам тадбирларида ёшларга мустақилликнинг улуг ва бебаҳо неъмат эканлигини тушунтириб, юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар мазмун-моҳиятини тарғиб этмоқдалар. Бўлим томонидан туманда «Кексалар меҳри – ёш авлодга», «Боболар мероси – қадриятимиз асоси», «Мустаҳкам оила – жамият пойдевори», «Обод турмуш йили», «Гиёҳвандлик – аср балоси», «Ўзини асраган – юртини асрайди» каби қатор мавзуларга бағишланган 50 дан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди.

Бўлим қошидаги «Шукроналик» гуруҳи аъзолари ёшлар





билан бўлган учрашув ва суҳбатларда ўтмишни ва бугунги кунларни қиёслаб, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, бебаҳо неъмат саналган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш, унинг шукронасида бўлиш, фарзанд тарбиясига эътибор беришга катта диққат-эътибор қаратмоқдалар. Бўлим қошида 25 та жамоатчилик марказлари ҳам иш олиб бормоқда. Мамнуният билан айтиш мумкинки, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фахрийларнинг фаол иштироклари сезиларли даражада ортяпти. Тўй маросимларини тартибли ўтказишда, қабристонларни, муқаддас зиёратгоҳларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш каби турли ҳашар ва ободончилик ишларида фахрийлар бош-қош бўлмоқдалар.

Нуронийларимиз бола тарбиясида ота-оналарнинг ўрни, фарзандларнинг ўз ота-оналари олдидаги бурчларига оид, катталарга ҳурмат, ёшларга иззат каби олийжаноб ғояларни мустаҳкамлаш борасидаги тушунтириш ишларида ҳеч қандай узилишларга йўл қўймасликни ўз олдиларидаги энг долзарб вазифалардан бири деб ҳисоблайдилар. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг, юқумли касалликларнинг, кадриятларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатларнинг олдини олишда, ишчи ўринларини яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда маҳалла фаоллари, маҳалла профилактика инспекторлари ёнида туриб, ўз тажрибалари, доно панд-насихатлари ва маслаҳатлари билан катта ёрдам бермоқдалар.

Туман нуронийлари ташаббуси билан «Обод турмуш йили»да «Намунавий обод хонадон», «Энг обод кўча», «Энг обод маҳалла», «Обод қабристон» кўрик-танловлари ўтказилди. Улар аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш,



Ўзимизни ўз сабзавот ва полиз маҳсулотларимиз билан таъминлаш мақсадида деҳқонларни, ёш оилаларни кексалар тажрибасидан ва маслаҳатларидан кенг фойдаланишга чорламоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда, муқаддас қадриятларимизни тарғиб этишда, маънавий- маърифий йўналишдаги тadbирларни ўтказишда нурунийларнинг хизматлари ғоят каттадир.



## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БЕШИГИ

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга тадбиқ этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари беқиёс ўрин тутди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, асрлар давомида Шарқ халқларининг маънавий-ахлоқий ҳаёти, урф-одатлари ва қоидалари, жамоатчилик фикрининг шахсий фикрдан юқори туриши билан боғлиқ шарқона дунёқараш айнан «демократия мактаби» саналмиш маҳаллада шаклланган. Шунинг учун қадим-қадимдан турли миллат ва элатларнинг яхши қўшничилик асосида, қувончли кунларию бошига кулфат келганда бир-бирига ҳамдам-ҳамнафас бўлиб, ёрдам қўлини узатиб дўстона яшаш, ёш авлодни шарқона менталитет руҳида тарбиялаш, унга оила ва хўжалик юритиш санъатини ўргатиш тажрибаси айнан ушбу демократия мактаби асосида олиб борилган.

Жамиятимизда маҳалла институтининг таъсири, ислохотларни амалга оширишдаги кўмаги, оилаларни мустаҳкам ва обод қилишдаги ўрни кенгайиб, унинг таъсири кун сайин ошиб бормоқда. 2012 йил 9 июлда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон соҳа ходимлари меҳнатини қадрлашга қаратилган бўлиб, демократия институти ҳисобланадиган маҳалланинг жамият ривожига аҳамиятига берилган юксак баҳо, десак хато қилмаймиз.

Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари



бўйича маслаҳатчиси лавозимининг таъсис этилиши оила мустаҳкамлигини, хотин-қизларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини ошириш, тўй-маъракаларимизни камчиқим ва ихчам ўтказишга катта замин яратиб берди.

Маҳалла посбонлари турли ҳуқуқ-тартибот ва жамоатчилик органлари билан ҳамкорликда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ёшлар ва ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Жиноятчиликнинг, ёшларнинг ёт оқимларга кириб кетишининг олдини олиш, уларни спорт ва бошқа фойдали машғулотларга жалб этишда маҳалла институтининг таъсири улкан.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими бошқа ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда аҳолини оилавий тадбиркорлик, касаначилик асосида иш билан таъминлаш, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шароит ва имкониятларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, ишга лаёқатли ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий бандлигини таъминлаш, касбга тайёрлаш, малакаларини ошириш учун бор куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Туманда 21 та маҳалла ҳамда 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Улар ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш ишларини юритиш тизимини такомиллаштириш, нотинч оилаларни аниқлаш ва улардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими томонидан Хушёр, Қақир, Қизилқиеқ, Шарқобод маҳаллаларида ўтказилган тадбирлар яхши натижалар берди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш йўлида турли маҳалла фуқаролар йиғинларида семинарлар



ташкил этилмоқда. Хушёр, Обишир, Чашма, Янгиариқ, Қалъача, Тул, Ғазнов қишлоқларида ёш оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш мақсадида давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ҳамда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Сариканда маҳалла фуқаролар йиғинида раис Алҳамжон Ҳомилов ташаббуси билан «Ёш оилаларда ўзаро муносабатлар маданияти», Сўх қишлоқ фуқаролар йиғинида раис Додожўра Жўраев бошчилигида «Обод маҳаллам–обод Ватаним», Дехмирсад маҳалла фуқаролар йиғинида раис Махсум Аъламовнинг ташаббуси билан «Оилада қайнона-келин муносабатлари» мавзуларида туман ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорлигида кўрғазмали амалий семинарлар ўтказилгани таҳсинга лойиқдир.

Ҳар йили 25 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида «Энг обод маҳалла» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Танлов шартларига кўра, маҳаллаларни ободонлаштириш ишлари, коммунал тўловларни вақтида тўлаш, томорқа ва ерлардан самарали фойдаланиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, касбга йўналтириш, қизлар орасида эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалаларга алоҳида диққат-эътибор берилади ҳамда ҳакамлар томонидан чуқур таҳлил қилинади.

«Обод турмуш йили»да кам таъминланган, шароити оғир ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга кредит ҳисобидан соғин сигир ҳамда 10 тадан товуқ ажратилиб, жами 150 нафар фуқароларга турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 13 млн. 900 минг сўмлик 6 хил озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларга 3700 қоп ун бепул тарқатиб берилди. Шунингдек, табиий офат – селдан зарар



кўрган хонадонларга 80 млн. сўм миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан Ғазнов маҳалласидаги 19-сонли болалар боғчасига 6 млн. сўм, 21-сонли ўрта умумтаълим мактабига 14 млн. сўм миқдорда сел оқибатларини бартараф этиш учун маблағ ўтказиб берилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Энг намунали диний-маърифий ва маънавий - ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловида Девайрон маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Муножот Мақсудова ҳамда Дехмирсад маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Насима Жумаевалар фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладилар.

Истиқлол йилларида бунёд этилган маҳалла гузарлари замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган шинам иморатлари билан одамларнинг эътиборини тортади. Уларни ҳашар йўли билан қуришда маҳаллаларнинг кенг жамоатчилиги, қолаверса, саховатпеша инсонлар фаол қатнашмоқдалар. Чунончи, қишлоқ ва маҳалла гузарларини обод қилишда тадбиркорлар Ҳомиджон Ҳомидов, Мирзоқурбон Одиллов, Мирзоали Соттиев, Нурилло Аъламов, Додотўрабек Мирзотўрабеков, Асалбек Миртазобеков, Воҳиджон Шокиров, Додо ва Зоҳиржон Насриевлар, Мадаминжон Солиев, Бурҳон Ҳайдаров, Шарофиддин Шукуров, Алижон Хасанов, Амирбек Абдулаҳатов, Аъзам Мирсаидов, Набижон Аҳмедов, Муҳаммадхон Мелиев, Раҳимберди Мавлонов, Ҳабибулло Ёрматов, Ҳалифа Азимжонова, Алҳамжон Ҳомилов, Баротжон Метинов, Мирзамаҳмуд Маҳмудов, Хуршед Ҳайдаров, Муллотўйчи Қосимов, Исроил Аловуддинов каби кўп саховатпеша тадбиркорларнинг ҳиссалари катта.



Сўхлик тадбиркор ва ишбилармонлар маҳалла, шифохона, болалар боғчалари, мактабларни ободонлаштиришда ўзларининг ҳомийлик ишлари билан маҳаллада, айниқса, ёшлар ўртасида меҳр-оқибат, саховатпешалик, ўзаро ёрдам каби эзгу хислатларни тарғиб этишда намуна бўлмоқдалар. Жумладан, Мирзатурабек Мирзабеков маҳаллани ободонлаштиришга, ичимлик сув қувурлари билан таъминлашга, маҳаллий қаламкашлар ижод намуналарини нашр этиш учун ўз маблағидан 8 млн. сўм, Асалбек Миртазобеков Умбара ва Дехвайрон қишлоғидаги болалар боғчаларини обод этиш, кичкинтойларнинг тарбияланишлари учун етарли шароитларни яратиб бериш, турли витаминли озиқ-овқат, ўйинчоқлар билан таъминлаш, Дехвайрон қишлоғи мактаб ўқувчиларини шахсий стипендия билан таъминлаш учун 8 млн. сўм маблағ сарфладилар.

Қалъа қишлоғидан Юлчибек Илёсов, умбаралик Ғанижон Ҳомиджонов, сарикандалик Набижон Аҳмедов, Баҳриддин Шодиевлар ҳаж зиёратига жамланган ўз маблағларини маҳалла қабристонини, муқаддас зиёратгоҳларни обод қилишга ҳамда табиий газ тортишга ҳадя этганлар.

Маҳалла ташаббускорлик ўчоғи ҳисобланади. Аслида, сўхликлар қадим-қадимдан табиатан ташаббускор ҳисобланадилар. Тарихнинг гувоҳлик беришича, шоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхон билан курашиб, омади чопмаган чоғда айнан сўхликлар уни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаганлар.

Қадимдан сўхлик тадбиркорлар Мусо Халифа, Мирмўминбой, Тўрабекбой, Ҳалилбойлар ўз маблағларидан меҳмонхона, чойхона, масжид, кўприклар қуриб, халққа кўмак бериб келганлар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида сўхлик колхозчи Муҳтарама Шокирова ўз маблағидан мудофаа фондига 50




минг сўм, Бибиойша Қосимова эса ўзининг олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқларини топширганлар. Шунингдек, сўхлик меҳнаткашларнинг мудофаа фондига топширган маблағларидан иккита зирҳли танк ясаб фронтга жўнатилган.

Урушдан кейинги йилларда обиширлик Халифа Маҳматов янги қурилган 30 хонали уйини болалар боғчаси учун ҳадя этган .

Сўхликларнинг ташаббускорлик, бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳатлик билан иш тутиш анъаналари бугунги кунда истиқлол шарофати билан янги мазмун касб этиб, юртимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда қўл келмоқда. Ёшу қари ҳашар йўли билан Шарқобод маҳалласи кўпригини, Сариканда қишлоғидаги Ҳазрати Али, Ғазнов қишлоғидаги Султон Маҳмуд Ғазнавий, Дехвайрон қишлоғидаги Хўжаи Рўшнои, Обишир қишлоғидаги Хўжа Абулқосим, Дехмирсад қишлоғидаги Хўжа Муродбобо, Хушёр қишлоғидаги Мазори қулфи занжиркушо, Сойбозор массивидаги Амфитеатр каби жойларни қуриб, обод ва кўркем масканларга айлантирдилар. Энг муҳими, шунга ўхшаш ташаббусларда халқнинг баҳамжиҳатлиги, дўст-иноқлиги, бир-бирининг мушкулини осон қилиш, шодлигу қайғусини баҳам кўриш каби эзгу хислатлари намоён бўлмоқда. Бу хайрли ишлар ёш авлод учун катта тарбиявий-ахлоқий аҳамиятга эга.

Обод маҳалла гузарлари, кенг ҳамда чароғон кўчалар, салобатли ва ҳашаматли уйлар ҳалқимизнинг келажакка бўлган катта ишончидан, бугунги ва эртанги кунидан кўнгли тўқ эканлигидан далолат беради. Халқимизнинг «Обод маҳалла обод кўнгилдан бошланади» деган ҳикматида чуқур ҳаётий маъно мужассамлашганига яна бир марта гувоҳ бўлмоқдамиз.





## ДУНЁНИНГ ШОДЛИГИ ЙИГИЛСА БУТУН ...

Қадим-қадимдан халқимиз қўшничилик муносабатларини хаамиша яхшилаб боришга, қўшнилар билан ўртадаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келган. Бу эзгу амаллар аждодларимиздан бизга мерос бўлиб, миллий қадриятимизга айланган.

Шоир Абу Абдулло Рўдакий айтгандек,

*Дунёнинг шодлиги йигилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.*

Жонажон мамлакатимиз – ҳур Ўзбекистон кўп миллатли давлат ҳисобланади. Бугунги кунда серқуёш заминимиз бағрида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, аҳилликда яшаб келмоқдалар.

Юртимизда ўзбек ва тожиклар қадимдан бир-бирлари билан яхши қўшничиликни, қуда-андачилик муносабатларини йўлга қўйган ҳолда, яхшию ёмон кунларида ўзаро елкадошликда, бир сўз билан айтганда, эту тирноқ бўлиб яшаб келадилар. Шунинг учун тўй-маросимларимиз, удумларимиз бир хил, маданиятимиз бир-бири билан қоришиб кетган.

Миллатидан, динидан, тилидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга чуқур ҳурмат билан қараш давлатимиз миллий сиёсатининг устувор ва энг асосий тамойилларидан бири саналади. Миллатлараро тотувликни сақлаш мамлакатимизнинг Асосий Қонуни– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам республикамизда турли миллат ва элатларнинг вакиллари аҳиллик ва иноқликда яшаб, меҳнат



қилмоқдалар. Буни Сўх тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда тумандаги 28 та умумтаълим мактабларида, 3 та боғча-мактабда, 2 та ўсмирлар ва болалар спорт мактабларида, 19 та мактабгача таълим муассасаларида, 1 та академик лицей ва 3 та касб-хунар коллежида таълим тожик тилида олиб борилади.

Туманда 1951 йилдан буён тожик тилида «Садои Сўх» (авваллари «Ҳаёти колхоз», «Ҳаёти нав» номлари билан нашр этилган) газетаси мунтазам нашр этилмоқда.

Мустақиллик туфайли туманда телестудия очилиб, фаолият бошлади. Шунингдек, Фарғона вилоят телерадиокомпанияси ҳафтада бир маротаба «Ҳамдўстлик» («Ҳамдўсти») деб номланган радио ва телекўрсатувларни тожик тилида намойиш этади.

Сўхликлар «Ўзбекистон» телеканалининг «Рангинкамон» кўрсатувини тожик тилида томоша қилиш ҳамда республика миқёсида чоп этиладиган «Овози тожик» газетасини мутолаа қилиш имкониятларига эгалар.

Туман ижодкорларига мустақиллик даврида кенг имконият ва шароитлар яратиб берилди. Ўтган йигирма икки йил мобайнида 25 нафардан кўпроқ сўхлик олимлар, шоир ва ёзувчиларнинг илмий, бадиий асарлари ҳамда мажмуалари, фан дарсликлари тожик тилида республикамизнинг нуфузли нашриётлари томонидан чоп этилди.

Самарқанд давлат университети ҳамда Тошкент вилоят педагогика институтида тожик тилида олий маълумот олиш учун айрим мутахассисликлар тайёрлаб берадиган факультетлар очилган.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан турли миллатларнинг эркин яшаб, меҳнат қилиши, ўз миллий-маданий анъаналарини асраб-авайлаши,



она тилида таълим-тарбия олиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганидан далолатдир.

Сўх тумани Қирғизистон Республикасининг Боткент ва Қадамжой туманлари ҳамда Тожикистон Республикасининг Исфара тумани билан ҳам дўстона қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда. Наврўз, Мустақиллик куни, Ҳосил байрами каби умумхалқ байрамларига бағишланган тантаналарда қўшнилاردан меҳмонлар таклиф этилиб, минтақада тинчлик, миллатлараро тотувлик, баҳамжиҳатликни сақлаш, дўстлик ришталарини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилинмоқда.

Республикамызда барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар негизида миллатлараро тинчлик-тотувлик, бирлик ва ҳамжиҳатлик ётганини бутун халқимиз қатори Сўх тумани аҳли ҳам яхши билади ва қадрлайди. Оллоҳ таоло берган бу бебаҳо неъматни асраб-авайлаш, «Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остида яшаш ҳар бир соғлом фикрли юртдошимизнинг бурчидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз— халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган фуқаролар тотувлиги, миллатлараро дўстлик, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир».

Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик— толерантликни таъминлаш давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий тараққиётини таъминлашда муҳим ва ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.



## ДАВРНИНГ ЁРҚИН ОЙНАСИ

Оммавий ахборот воситалари ҳамиша давр билан ҳамнафас фаолият олиб боради, жамият ҳаётида юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар газеталар саҳифасида муҳрланиб қолади. Шунинг учун оммавий ахборот воситаларига давр ойнаси дея таъриф берилади.

Мустақиллик шарофати билан оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларини ҳаётга тадбиқ этиш, матбуотда танқид руҳини кучайтиришга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу руҳият Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида ҳам ўз аксини топган. Унда қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: «Ҳозирги даврда матбуот, оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, уз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмас».

Оммавий ахборот воситаларининг мақоми ва ўрни ҳозирги глобаллашув даврида ҳар қачонгидан кўра юқори даражага кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида сўзлаган нутқида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, ушбу муҳим соҳа ходимларининг устувор вазифа ва бурчлари ҳақида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар баён этди.

Юқоридаги устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан



туман маҳаллий оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ҳам газета ва телекўрсатувлар сифат ва савиясини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникацион тизимларини янгилаш, журналистларга яхши иш шароитларини яратиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борадаги янгилашниш, давр талабига мос ўзгаришларни ўз ривожланиш тарихига эга «Садои Сўх» туман газетаси ҳамда истиқлол шарофати билан дунёга келган Сўх телестудияси жамоалари фаолиятида кўриш мумкин.

Туман ҳокимлигининг нашри бўлмиш «Садои Сўх» рўзномасининг илк сони бундан 62 йил муқаддам, яъни 1951 йил февраль ойида нашрдан чиққан. Унинг асосчиси Водил қишлоғида туғилиб ўсган Кимсанбой Исматуллаев бўлиб, газета «Ҳаёти колхоз» номи билан тожик тилида нашр этилган. Таҳририят Қалъа қишлоғида жойлашган, матбаа оддий қўл усулида ҳарфларни терадиган эски ускуналардан иборат эди. Унда Эшон Неъматов, Назиржон Баҳраев, Миршоди Хайруллоев, Очаором Мусоевалар ҳарф терувчи ва техник ходимлар бўлиб ишлаганлар. «Ҳаёти колхоз» газетаси 1959 йил февраль ойигача мунтазам нашр этилган. Унинг мазмунли чиқишида ва серқирра фаолиятини таъминлашда муҳаррир Аюбжон Нишонов, ижодий ходимлар Ўринбой Раҳимов, Раҳмонали Абдуллоев, Бобофайзи Юнусов, Раҳматжон Тўйчиев, жамоатчи мухбирлардан Зайлиддин Миров, Бобомир Қурбонов, Собитжон Девонаев, Умар Ҳамдамов, Бобожон Додожонов, Зархорбой Домуллоевларнинг хизматлари сингган.

1959 йил февраль ойида Риштон туманига бириктирилган Сўх тумани ўрнида Сўх давлат хўжалиги ташкил этилиб, «Ҳаёти колхоз» рўзномасининг нашри тўхтатилган. Аммо сўхлик зиёлилар ҳамда Ўринбой Раҳимов, Ҳомиджон Нишонов, Мирзажон Хўжамов, Ортиқбой Ўриновларнинг саъй-ҳаракатлари билан икки йилдан сўнг газета «Ҳаёти нав»



номи билан чиқа бошлади.


1962-1969 йиллари «Ҳаёти нав» рўзномасига Ўринбой Раҳимов муҳаррирлик қилган. 1969 – 1973 йилларда Гадейбой Назарқулов муҳаррир бўлиб ишлаган. Бу даврда газетанинг ўз вақтида нашр этилишида ижодий гуруҳ аъзолари Ғанижон Мўминжонов, Раҳимберди Мавлонов, Аваз Назарқуловлар жонбозлик кўрсатганлар.

1973 йилдан 1996 йилгача газетага Ғанижон Мўминжонов муҳаррирлик қилган. Ҳамробой Илҳом, Камолиддин Азизов, Додораҳмат Халифаев, Нодир Нодири, Аваз Назарқулов каби серқирра ва сермаҳсул ижодкорлар газетанинг сермазмун чиқиши учун бор маҳоратларини ишга солганлар.

1990 йил февраль ойида Сўх тумани қайта ташкил этилгандан кейин «Ҳаёти нав» газетаси «Садои Сўх» номи билан нашр этила бошланди. Таҳририятда ёш, истеъдодли мухбирлар, Масъуди Мирзо, Урмони Тоҳириён, Бароти Муъмин, Додобек Дўстов, Аҳрори Маҳмудзод каби қаламкашлар самарали фаолият олиб бордилар.

1996-1997 йилларда истеъдодли адиб Масъуди Мирзо «Садои Сўх» газетасида муҳаррирлик вазифасида ишлаб, бир қатор ижодкорлар силсиласини тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшди. Жумладан, газетага Олимжон Олимов, Жумъаи Жамол, Шаҳодат Миразизова, Баҳриддин Тоҳиддинов каби қалам соҳиблари ўз ижод намуналари билан кириб келдилар.

1997 йилдан «Садои Сўх» рўзномасига Содикжон Тоҳиров муҳаррирлик қила бошлади. Ҳозирги пайтда газетанинг мазмунли, сифатли ҳамда ўз вақтида мунтазам нашрдан чиқишида тажрибали қаламкашлар Б.Тоҳиддинов, А.Маҳмудзод, О.Олимов, У.Зиёдуллоев, Ф.Тоҳировлар астойдил хизмат қилиб келмоқдалар. Рўзнома саҳифаларининг ранг-баранглигини таъминлашда жамоатчи мухбирлар Неъмат Суннатулло, Камолиддин Азизов, Садриддин Ҳушёри, Расул-



беки Аҳмадзод, Раҳимберди Тошматов, Равшани Муъмин, Аъзам Мавлон, Эркиной Султонова, Зоҳири Султон, Фарҳоди Мирзоёнлар фаоллик кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, Сўхдан етишиб чиққан журналистлар Ҳасан Иззатий, Ўринбой Раҳимов, Каримжон Муҳиддинов, Ҳисомиддин Абдувалиев, Мирасрор Ахроров, Муҳаммад Шодийлар республикамизнинг марказий нашрларида, жумладан «Овози тожик» газетаси ҳамда «Ўзбекистон» радиоканалида муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Истеъдодли адиб ва журналист Муҳаммад Шодий бир қатор нуфузли ташкилотлар томонидан 2012 йили «Мустаҳкам оила – жамият таянчи» шиори остида ўтказилган конкурсда «Энг яхши мақолалари учун» номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Ҳозирги пайтда вилоятимизнинг «Фарғона ҳақиқати» ҳамда «Маънавият» газеталарида ижодий фаолиятини давом эттириб келаётган сўхлик ёш, истеъдодли журналист Шохидбек Аслонов 2011 йили «Олтин қалам» Халқаро Миллий мукофоти совриндори бўлди.

Маҳаллий журналистларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Обидовнинг ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ташкил этилган сайёр конференция, семинар-мулоқотлар ўз самарасини берди. Жумладан, 2007 ҳамда 2013 йили «Садои Сўх» таҳририяти грант ғолиби бўлди. Таҳририят янги, замонавий техник воситалар билан таъминланди. «Садои Сўх» газетаси интернетда ўз веб-сайтига эга бўлди. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланиб, Марғилон шаҳар босмахонасида офсет усулида чоп этилмоқда.

2008 йили Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш



ва ривожлантириш жамоат Фонди томонидан «Садои Сўх» рўзномасига моддий ёрдам ажратилди. Ушбу ғамхўрлик рўзнома ва унинг ходимлари ижодий ҳаётида катта ўзгаришлар юз беришига туртки бўлмоқда. Ижодий гуруҳ аъзоларидан Нодир Нодирӣ, Мамасодиқ Тоҳиров, Олимжон Олимилар «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» эсдалик нишонлари билан тақдирланганлар. Бундай эътибор ва рағбат ижодий гуруҳни фидойиликка, масъулиятга ундамоқда.

Туманнинг дастлабки маҳаллий телевидениеси 1991 йилда «Ситора» номли телекўрсатув билан иш бошлаган. Бунда Равшанжон Ўриновнинг ҳиссаси катта. «Ситора» телекўрсатувини такомиллаштиришда Равшанжон Ўринов ҳамда Ғоибжон Ғоибов, Шаҳодат Миразизоваларнинг катта ҳиссалари бор.

1999-2001 йилларда «Сўх» телевидениеси «Садои Сўх» газетаси таҳририяти қошида Масъуди Мирзо ва Мамасодиқ Тоҳировлар саъй-ҳаракатлари билан фаолият олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678 сонли «Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони маҳаллий телерадиокўрсатувлар ишини такомиллаштириш ва тубдан яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди. 2006 йилда Сўх тумани аҳолисига Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телевизион дастурларини ва радиоэшиттиришларини рақамли тизимларга улаш ва сифатли узатилишини таъминлаш мақсадида узунлиги 107 километр 450 метрни ташкил этувчи «Чодак – Лингбур» рақамли радиореле линияси қурилиб, ишга тушурилди.

Ҳозирги кунда Сўх телевидениеси муҳаррири Фарҳоджон Миршарипов, мухбирлар Анваржон Жўраев, Зумрад






Эркаева, Жаҳонгир Мирзо, Додоўла Ҳомилов, Илҳомжон Қориев ва Фаридун Парпиевлар кўрсатувларни қизиқарли ва таъсирчан қилиб тайёрлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Фарҳоджон Миршарипов 2010 йили «Олтин қалам» танлови ғолиби бўлди. Сухандон Анвар Жўраев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги», оператор-техник Додоўла Ҳомилов эса «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» эсдалик нишонлари билан тақдирландилар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтказилган кўрик-танловнинг вилоят босқичида Сўх телевидениеси жамоаси «Энг яхши телекўрсатув» номинацияси бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Вилоятимизнинг энг чекка ва тоғли ҳудуди саналмиш Сўх туманида ҳафтасига 8 соат ҳажмда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамда спортга оид кўрсатувлар ўзбек ва тожик тилларида намоёниш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси ҳамда вилоят ҳокимлигининг алоҳида ғамхўрлиги ва кўмаги туфайли туманда вилоятда биринчилар қаторида телекўрсатувларни рақамли тартибда узатувчи энг замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Туманга замонавий алоқа тизими ўрнатиш мақсадида Япония гранти бўйича 140 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Ўтган даврда «Сўх ТВ» дастурларини вилоят ва республика телеведениелари учун кассетага ёзиб жўнатиб турсалар, эндиликда Сўх телеведениеси ходимлари ўз дастурларини республикамизнинг хоҳлаган шаҳар ва туманларига масофадан узатиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги кунда туман аҳолиси 12 та телеканал орқали республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-



спорт ҳаётига оид кўрсатувларни сифатли ҳамда рангли тасвирда томоша қилмоқда. Мустақиллик байрамининг 22 йиллигини нишонлаш арафасида туман болажонларининг қувончига қувонч қўшилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрамига тухфа сифатида туманда ҳам «Болажон» телеканални мириқиб томоша қилиш бахтига эга бўлган болаларнинг қувончи чексиз.

Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик журналистлар ва ижодкорларни янада ижтимоий фаол бўлишга чорламоқда.



## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАБ

Сўх аҳолиси табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва шинаванда халқ ҳисобланади. Археологлар томонидан ўрганилган 28 та ғор ва унгир деворларида ҳамда қоятошдаги расмларда турли ҳайвонлар, одамлар ва ов манзаралари топилган. Воҳанинг «Обишир мажмуаси», «Сурати мажмуаси», «Дехвайрон галереяси» деб ном олган қоятош суратлари қимматли ашёвий далиллар сифатида қадимий аجدодларимизнинг нафақат хужалик машғулоти, диний ҳамда касбий маросимлари, балки тасвирий санъати, маданий дунёқараши туғрисида ҳам маълумотлар беради.

Сўх аҳолиси бугунги кунгача деҳқончилик юмушлари, мавсумий байрамлар, оилавий маросимларни қўшиқ, айтишув, лапарлар билан ўтказадилар.

Қишлоқ хужалик ишлари ва умумхалқ ҳашари пайтида ҳам меҳнатни енгиллаштириш, чарчоқни вақтинча унутиш воситаси сифатида «Майдаё майда», «Ёвайло», «Калёзи», «Марожон» каби халқона қўшиқлар ижро этиб келинмоқда.

Азалдан ҳазил-мутойибани севадиган сўхликлар бирон-бир жамоат ишларини – хоҳ ҳашар бўлсин, хоҳ дала ишлари аскиясиз ўтказмайдилар. Аскиячилик маҳорати билан донг таратган Аъзам Бадал, Тўйчи Карим, Ином Бадал, Ҳаким Эгам, Ҳамид Султон, Додо Бўта, Додо Эгам, Баҳром Карим каби сўз усталарини халқ ардоқлаб келмоқда.

Ишқ-муҳаббат мавзусидаги халқ оғзаки ижоди саналмиш – «Ёвайло», лапарлар – «Ёр-ёр», «Ўлан» айтишлар сўхликларга хос удум бўлиб, етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир киши



куйлай олади. Бадиҳа тарзида «Ёвайло» қўшиғига мос қилиб қўшиқ ижод қиладиганлар кўп. «Ёвайло» қўшиғини айтиш авлоддан-авлодга ўтиб, анъанага айланган десак, асло муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда ушбу эзгу анъанани туман маданият уйи қошида ташкил этилган «Сўх Чашмаси» фольклор-этнографик ансамбли давом эттирмоқда. Ансамбль аъзолари ўзларининг ранг-баранг дастурлари, кувноқ рақс ва ашулалари билан туман миқёсида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирларда, шунингдек, вилоят ва республика миқёсидаги конкурс ва халқ ижодиёти фестивалларида фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Сўхлик «ёвайло»чилар Муҳиддин Аминов, Ўлмас Охонов, Ҳисенжон Қодиров, Салом Охонов, Болта Олим, Малла Мержан, Сафар Саид, Сафар Бобожон, маросимий «марсия»хонлар Гулсими Ҳалим ҳамда Зумрадпоччо Қосим кабилар ўз санъатлари билан халқ ўртасида ҳурмат қозонишган.

Бугунги кунда туман маданият ва спорт бўлими ходимлари О.Гозиев, А.Аминов, Т.Юсупов, А.Ҳалимов, А.Шарипов, А.Юсупов, О.Собиров, Р.Шодмоновлар тажрибали раҳбар Орифжон Мустафоев бошчилигида халқ қўшиқчилиги анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлими тегишли дастур ва режага асосан ҳар йили Мустақиллик, Наврўз байрамлари ва бошқа миллий байрамларни барча ташкилот, корхона ва муассасалар ҳамкорлигида кўтаринки руҳда ўтказди. Маҳалла, мактаб, коллеж ва академик лицей ўқувчи-ёшлари ўртасида доимий равишда турли концерт дастурлари ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилади.

Ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашда, уларнинг эстетик қарашларини шакллантиришда, миллий урф-одатлар, миллий анъаналарни тиклашда «Сўх Чашмаси» фольклор-этнографик ансамбли таҳсинга сазовор ишларни



амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъатининг 2012 йил 10 мартдаги қарорига асосан маданиятимиз ривожига ва ёш авлодни санъат орқали тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссаси, ҳаваскорлик санъатини тарғиб этишдаги хизматлари, шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги кўрик-танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритганлиги эътиборга олиниб, республикамизнинг бир гуруҳ фольклор ансамбллари қаторида «Сўх Чашмаси» фольклор-этнографик ансамбли «Халқ ва намунали ҳаваскорлик жамоаси» унвонига сазовор бўлди. Фольклор-этнографик ансамбль дастури 2011 йилда республика телевидениесининг «Бир ўлкаки...» кўрсатувида намойиш этилди.

Бўлим томонидан «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида қишлоқ ва маҳаллаларда «Менинг мустаҳкам оилам», «Обод турмуш йили» мавзуларида маданий-маърифий тадбирлар ва концертлар намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида туман ҳаваскорлик жамоалари, ўқув масканлари, маҳаллаларда ёвайлохонлик, «Оналар куйлаганда», «Онам айтган аллалар», «Аскиячилар» кўрик-танловларини ўтказиш йўлга қўйилди. Бу жараёнда ёш истеъдодлар кашф этилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг маънавий-маданий ҳордиқ чиқариши, бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишини таъминлаш, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий маданиятини юксалтириш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази Фарғона вилоят бўлими раҳбарлигида ҳамда «Ўзбекнаво» бирлашмаси ҳамкорлигида эл таниган санъаткорлар Илҳом Иброҳимов, Қиличбек Мадалиев, Абду-



жалил Қўқонов, Валижон Қодиров, Абулхай Каримов, Отабек Муҳаммадзоҳид ва бошқалар иштирокида «Улуғимсан Ватаним!», «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Биз обод юрт фарзандларимиз», «Дунёни берайлик болажонларга!», «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиорлари остида концерт дастурлари мунтазам уюштириб келинмоқда.

Туман халқи аجدодлардан қолган маданий дурдоналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, авлодларга мерос қилиб қолдиришга алоҳида эътибор бермоқда. Бугунги кунда умумхалқ байрамлари, тўй ва турли байрам маросимлари карнай-сурнай, доира садоларисиз ҳамда халқнинг мумтоз муסיқасисиз, улоқ (кўпқари), дор ўйинларисиз, кураш, тош кўтариш мусобақаларисиз, аскиячилар ва масхарабозларсиз ўтмайди.



## СПОРТДАГИ ШАҲДАМ ОДИМЛАР

Сўх тумани осмонўпар тоғлар орасида жойлашганлиги сабабли, бу заминда умргузаронлик қиладиган одамлар қадимдан бақувват бўлганлар. Удумга кўра, ўтмишдаги ҳар бир ўғил бола ёшлигидан чорва боқиш, отни эгарлаш, от чопиш, деҳқончилик ишларини яхши ва мукамал билиши зарур эди. Бунинг ҳаётнинг ўзи тақозо қиларди. Шунинг учун ҳар бир ўғил бола 12-14 ёшидан оқсоқоллар олдида махсус синовлар – «лачомзадан» (отга сувлиқ солиш), «зин задан» (отни эгарлаш), «камарбастан», «дуои қавипайкар гирифтан» дан ўтишлари керак эди. Синовдан муваффақиятли ўтгандан кейингина оқсоқолларнинг дуои қавипайкарларини олиб, белларига белбоғ бойлаш– «камарбандон» («миёнбандон») ҳуқуқини қўлга киритганлар. Иқтидорли ва маҳоратли йигитлар эса чавандозликни махсус ўрганганлар.

Айниқса, қадимдан «пахлавонлар диёри» номини олган Сўхда Деҳвайрон, Ҳушёр, Малбут полвонлари – Ҳомидбек, Миртазобек, Ёрибек, Назрулло, Азимжон, Анварбек, Ҳўжабек, Орифбой, Неъмат, Жиянбой, Маҳмудхон, Пулодбой, Ҳайитбой, Шамсиддин Низомовлар; Ровон, Чашма, Обишир чавандозлари – Мақсудбек, Юлдошмамад, Муҳаммад Сайдали, Бобомерган, Зулфиқор Мирзоев, Набижон Сайдали, Додориёз, Бобоҳайдар, Мақсуд ҳожи, Насриддин – улоқчилар, Деҳмирсад, Қалъа, Сарибозорчанинг овчилари – Абдулло Мерган, Карим Зиё, Кенжабой, Орифжон, Нуриддин, Баҳрон Костураев, Ғофур Қамбаров, деҳмирсадлик Воситжон, Ҳомиджон, Маҳмуджон Султон сингарилар донг чиқарганлар.

Ушбу анъаналар асрлар оша сайқалланиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда.



Спорт баркамоллик ҳамда соғлом келажакнинг муҳим омили ҳисобланади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда спортни оммалаштириш, чекка қишлоқларда ҳам мунтазам спорт билан шуғулланиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида рағбат-эътибор қаратиб келинмоқда. Бундай ғамхўрлик уч поғонали спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб туришда, улар орқали ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашда, мустаҳкам моддий-техника базасига эга бўлган турли спорт мажмуалари ва иншоотларни бунёд этишда ўз аксини топмоқда.

Туман маркази Ровон қишлоғида 2000 ўринли ёпиқ спорт мажмуаси, Чумоқча қишлоғида спорт мажмуаси, Мулгон қишлоғида спорт мактаби, Қалъа, Чашма, Обишир, Пидиргон, Дехмирсад, Дехвайрон қишлоқ мактабларида спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунга мисол бўла олади. Шунингдек, туманда 2 та спорт мактаби, Ҳушёр ва Қизилқиек қишлоқларидаги мактабларда спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ёшлар ҳаётини спортсиз тасаввур этиш қийин, албатта. Туманда спортни ривожлантириш борасида қатор ютуқларга эришиб келиняпти. 2 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фаолият юритаётган 15 та турли спорт тўғарақларида ёшлар билан иш олиб борилмоқда. 29 нафар спорт мураббийлари 668 нафардан ортиқ ўсмир ёшлар ва қизларга спортнинг сир-синаотларни ўргатмоқдалар. 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қизлар учун бадий гимнастика тўғараги ташкил қилиниб, унда 100 нафардан ортиқ қизлар машғулотларда қатнашмоқдалар. Туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 150 млн. сўмлик спорт инвентарлари барча умумтаълим мактабларининг спорт залларини жиҳозлаш имконини берди.

«Сўғдиёна» спорт мажмуасида «Обод турмуш йили»





муносабати билан ёш қизлар ва ўсмирлар иштирокида доимий тарзда турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ғолиблар туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда ҳомийлар томонидан рағбатлантириб бориляпти.

28 та умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган 10790 нафар ўқувчи-ёшлар 8 турдаги спорт тўғарақларига жалб қилинган. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган футбол бўйича «Умид кубоги» мусобақасида 110 нафар ёш футболчилар қатнашиб, улардан 1-, 5-, 9-, 11-, 18-умумтаълим мактаб жамоалари ғолибликни қўлга киритдилар. 1-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган «Белбоғли кураш» бўйича мусобақада 90 нафар турли вазндаги ёшлар қатнашиб, куч синашдилар.

9- сонли умумтаълим мактабида спортнинг стол тенниси тури ривожланган. Мактаб теннис жамоасига раҳбарлик қилиб келаётган жисмоний тарбия ўқитувчиси, «Дўстлик» ордени соҳиби Гулшанжон Зарипов ўзининг «Спорт мактаби»га асос солган. Унинг қўл остида шуғулланаётган ёш спортчилар туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. «Умид ниҳоллари» ўйинлари республика босқичининг стол тенниси тури бўйича ғолиби Ҳасанхон Зарипов унинг шогирди ҳисобланади.

1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида Мунавваржон Жонузоқов раҳбарлигида «Каратэ-до»нинг «Шотакан» йўналиши бўйича тўғарақ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, машғулотларда 100 нафар ёш ўғил-қизлар фаол қатнашмоқдалар. Тўғарақ аъзоларидан 1-сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари Маҳлиё Бобоҳақимова, Жасур Аҳмедов, Жамшед Мелижонов, Отабек Нўмонжоновлар туман ҳамда вилоят миқёсида ўтказилаётган турли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.



Бугунги кунда қизлар ўртасида, айниқса қишлоқ жойларда, спортнинг барча турларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантириш миллат келажаги ва тақдири учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Зеро, соғлом онадан соғлом бола дунёга келиши ҳаммага аён. Сўх туманида ҳам спортнинг, айниқса, бадий гимнастика, акробатика, стол тенниси каби турлари қизлар ўртасида кун сайин оммалашиб бормоқда. Ҳозирги кунда, биргина бадий гимнастика бўйича Рухшона Жумаева раҳбарлигида 46 нафар ҳамда 16-сонли умумтаълим мактаби қошида Зарифа Ҳомиджонова бошчилигида ташкил этилган «Ёш гимнастикачи қизлар» тўғарагида 44 нафар, жами 100 нафардан ортиқ қишлоқ қизлари шуғулланмоқдалар.

Президентимизнинг 2011 йил 4 августдаги ПФ -3690 – сонли «Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида, замонавий спорт комплекти билан тақдирлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ижросини таъминлаш борасида тумандаги 546 нафар ўқувчи-қизларга Президент совғалари – спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.




## ИЛМ-ФАН, АДАБИЁТ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Азал-азалдан ҳар бир жамиятнинг ривожининг аъзолари томонидан илму фанга, адабиётга, олиму фузалоларга қанчалик диққат-эътибор ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши билан ўлчаб келинади. Чунки маънавият барча давру замонларда жамият ва инсон ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Сўх диёри қадимдан бетакрор салоҳият соҳиблари, билимли ва маърифатли, шоиртаъб инсонлар юрти саналиб келган. Бунга осмонўпар тоғлар ҳавосию сайроқи қушлар наволари, Сўх дарёси ноласию турли анвойи гуллар ифори, гўзал қизлар нозу иффати ҳамда бободехқонлар яратаётган боғу роғлар манзараси сабаб бўлса ажаб эмас.

Бу ерда туғилиб ўсган фозилу олимлар қадимдан нафақат ўз диёрларида, балки Қўқон ва Бухоро хонлиги адабий-илмий муҳитида ҳам танилганлар. Улардан бири Худоёрхон даврида Қўқон хонлиги сиёсий ҳамда маънавий ҳаётида катта мавқега эга бўлган мударрис ва шоир Мулло Ориф Ҳушёрӣ саналади. Шоир Мулло Ориф Ҳушёрӣ Қўқон мадрасаларида мударрислик қилиб, Фарғона водийси бўйлаб саёҳатлари ҳақида «Саёҳатнома» шеърӣ девонини ёзган. Ҳозирги кунда вилоятимиз кўпгина шаҳар ва қишлоқлари, жумладан Сўх воҳаси тарихини ўрганишда шоирнинг «Саёҳатнома» асари қимматли манба сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таълим олиб, кейинчалик мударрислик қилган сўхлик фузалолар – «Панднома» баёзи муаллифи Алам Эшонӣ Махсум, «Саёҳатнома» муаллифи Мулло Раҳимжон Пидирғони, Мулло Тоҳир, Қозӣ Суннатулло Махсум ўз даврининг нафақат аҳли ижодлари саналиб келганлар, балки халқ орасида зиё ва



маърифат дурдоналари тарғиботчилари сифатида ҳам ҳурмат ва шуҳрат қозонганлар.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда маънавий-маърифий соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш туғрисида»ги Қарори ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарорни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан Сўх тумани ҳамда унинг чегара қишлоқларида, маънавий-маърифий ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллаларда, ўқув масканларида республика ҳамда вилоят марказидан олимлар, адиллар, санъат усталари билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш, маҳаллий телевидение ва матбуот орқали уларнинг чиқишларини ташкил этиш яхши самара берапти.

Кейинги йилларда ёш истеъдодларни аниқлаш, уларнинг салоҳиятларини рўёбга чиқариш, ижод маҳсулларини нашр этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Туманда ўзига хос илмий-адабий муҳитни жонлаштиришда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Сўх воҳаси тарихини илмий ўрганишга, эришилган натижаларни нашр этишга катта эътибор берилаётганлиги боис маҳаллий олимлардан – профессор Усто Жаҳоновнинг «Сўх тарихи», тарих фанлари номзоди Ўринбой Суфиевнинг «Қадимий Сўхдаги Дехвайрон», А. Юлдошевнинг «Фарғона ўрта аср ёзма манбаларида», Фарҳод Жўраевнинг «Ҳаёт бир лаҳзада», Ҳ. Суфийнинг «Сўх тумори» М. Суюновнинг «Қадимий ва навқирон Сўх» каби илмий ҳамда илмий-оммабоп рисоалари нашрдан чиқди.



Ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маънавий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришда тарих фанининг ўрни бекиёсдир. Шунини ҳисобга олган ҳолда, туманда вилоят ҳокимлигининг Маънавият ва маърифат кенгаши, Фарғона давлат университети, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Археология институти, туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган «Заҳриддин Муҳаммад Бобур сўхликлар нигоҳида» ҳамда «Сўх мустақиллик йилларида: ўтмиши, бугуни ва келажаги» мавзуларида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Ушбу анжуманларда олимлар билан бир қаторда тарих ва адабиёт ўқитувчилари, журналистлар ва ижодкор ёшлар фаол қатнашдилар.

Шунингдек, Сўх воҳасидан етишиб чиққан бир қатор олимлардан педагогика фанлари доктори, профессор Сафар Сулаймон, педагогика фанлари номзодлари Бобосодиқ Латипов, Алижон Каримжонов, биология фанлари номзоди Аъзамжон Гадоев, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Маҳмуджон Мамажонов, химия фанлари номзоди Ўлмасжон Раҳматов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Баҳодир Одилов, тарих фанлари номзодлари Раҳматжон Арслонзода, Абдулло Тохиров, Муқаддас Додобоев, Ҳикматилло Дўстматов ва бошқалар республикамизнинг нуфузли илмий ҳамда олий ўқув масканларида ўзларининг илмий-педагогик фаолиятларини мувафақиятли давом эттирмоқдалар.

Истиқлол йилларида ёш ижодкорларга яратиб берилган имкониятлар уларнинг қайнар булоқдек жўш уриб чиқаётган илҳомларига қанот бағишлади. Вилоят ҳокимлиги Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўрта махсус ўқув масканларида, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда мунтазам равишда ўтказилаётган китобхонлар



байрамлари, элга танилган адибларимиз – Охунжон Ҳакимов, Иқбол Мирзо, Энахон Сиддиқова, Анвар Обиджон, Фарида Афрӯз, Баҳодир Исо, Сиддиқ Мўминлар билан учрашувлар, китобхонлик кечалари сўхлик ижодкорларга илҳом бағишлаб, истеъдодларини сайқаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёш ижодкорларни тарбиялашда тумандаги «Садои Сўх» рўзномаси қошида ташкил этилган «Худафруз» ижодкорлар тўғарагининг роли катта.

Ҳозирги кунда ўз шеърӣ ва насрий асарлари билан адабиёт ихлосмандлари қалбидан ўрин олган қалам аҳли вакиллари – Назираой Маҳматова, Марямбону Фарғоний, Муҳаммад Шодий, Зафар Суфӣй, Бобожон Икром, Ҳамробой Илҳом, Нодир Нодирӣй, Неъматӣ Сунатулло, Садриддини Ҳушёрӣй, Масъуди Мирзо, Абдураҳим Бехбуд, Раҳмонжон Очилдиев, Шодибой Маҳмуджонов, Олимжон Олимӣй (Мубориз), Камолиддин Дилшух, Баҳриддин Тожиддинов, Расулбеки Аҳмадзод, Эркини Даврон, Алимӯҳаммад Пулодий, Абдуллох Тоҳирӣён (Асад), Эркиной Султонова, Раҳимберди Тошматов, Равшан Мўмин, Аъзам Мавлон, Жумъа Жамол, Аҳрор Маҳмудзод ижодӣй мувафаққиятларни қўлга киритмоқдалар.


Кейинги йилларда сўхлик ижодкорларнинг 25 та адабий рисолалари ҳамда 3 та адабий мажмуалари нашрдан чиқди. «Жилои ахтарони Сўх» («Сўх юлдузлари жилоси»), «Нақҳати гулҳои Лазар» («Лазар тоғи гуллари ифори»), «Фуруғи маъни» («Маънолар товланиши») каби шеърӣй ҳамда насрий тўпламларида туман шоир-ёзувчиларининг янги ижод кирралари ўз аксини топган.

Шунингдек, республикамизнинг таълим тожик тилида олиб бориладиган ўқув масканлари учун ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашда Зебунисо Тоҳирӣён, Абдулло Тоҳиров, Ўринбой Суфӣев, Равшан Муминжонов, Раҳимжон



Тошбоевлар муносиб хисса қўшмоқдалар.

Сўхликлар республика ҳамда вилоятнинг турли ташкилот-муассасаларида самарали меҳнат қилган марҳум Ҳакимжон Ғоибназаров ҳамда бугунги кунда фаолият олиб бораётган Ҳисомиддин Абдувалиев, Муҳаммад Шодий, Ҳошим Эрназаров, Шоҳидбек Аслонов кабилар билан фахрланадилар.



## МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАР

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён қадимий тарихий обидаларни таъмирлаш, халқимизнинг моддий ҳамда маънавий меросини ўрганиш, халқ оғзаки ижодиёти намуналарини жамлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Қадимий зиёратгоҳларга халқимизнинг нодир меъморий, тарихий обидалари сифатида эътибор қаратилганлиги боис улар қайтадан таъмирланиб, ободонлаштириляпти. Сўх туманида ҳам халқимизнинг маънавий-диний қадриятларини тиклаш, муқаддас зиёратгоҳларни обод қилишга катта эътибор берилмоқда.

Кейинги даврда туман ҳудудидаги вайрона ҳолатига тушиб қолган қадимий муқаддас зиёратгоҳларни ҳашар йўли ҳамда айрим саховатли инсонларнинг ҳомийлиги билан қайтадан тиклаш, ободонлаштириш каби савобли ишлар амалга оширилди. Натижада халқнинг севимли дам олиш жойларига айланган Хўжа Муродбобо, Ҳазрати Али, Хўжа Абулқосим, Хўжа Орифи Моҳи Тобон, Султон Маҳмуд Ғазнавий, Қулфи Занжиркушо, Хўжа Ориф каби 30 дан ортик қадимий мозорлар қайтадан тикланиб, зиёратгоҳ ва ҳордик чақарадиган масканларга айлантирилди.

Қадимий муқаддас зиёратгоҳлар ўтмишда ахлоқий тарбия ҳамда маънавият ўчоқлари вазифасини бажарган. Сўх диёрида жуда кўп қадамжолар бўлиб, уларнинг аксариятини азиз-авлиёлар, диний уламолар номлари билан боғлайдилар. Таажжубланарлиси шундаки, тарихий манбаларда Ўрта Осиёга Халифа Алининг келиши тўғрисида бирон-бир маълумот йўқлигига қарамай, Сўх диёрида унинг исми, ҳатто донғи дунёга кетган оти – Дулдул номи билан аталган





зиёратгоҳлар мавжуд. Сўхликлар орасида халифа Алининг мажусийлар пешвоси Қаҳқаҳа пошшога қарши уруш қилгани, сеҳрли қиличи Зулфиқор билан тошни кесиб, ер қаъридан булоқ чиқаргани тўғрисидаги талайгина ривоятларни ханузгача эшитиш мумкин.

Муқаддас жойлар халқнинг маънавий покланиши, ахлоқий тарбия олишида, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, мардлик, жасурлик каби хислатларни ёшларнинг қалби ва шуурига сингдиришда катта аҳамият касб этади. Энг муҳими, ҳар бир инсон табаррук қадамжоларни зиёрат қилар экан, руҳан покланиш билан бир қаторда, унинг қалбидаги ота-онага, фарзандларга, кўни-кўшниларга, қариндош-уруғларга, маҳалладошларга меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, динлараро бағрикенглик туйғулари мустаҳкамланади.

Зиёратгоҳлар билан боғлиқ халқона урф-одатлар, удумлар ҳамда маросимлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, исломий азиз-авлиёларнинг номи билан аталмиш мавжуд зиёратгоҳлар, аслида ислом дини тарқалишдан олдин мавжуд бўлган диний масканлар бўлиб, ислом тарғиботчилари маҳаллий халқ орасида янги диний қарашларни тарғиб этишда улардан фойдаланганлар. Ислом дини маҳаллий халқ ўртасида тарғиб қилинишига қарамай, унинг урф-одатларида исломдан олдинги диний эътиқодлар қолдиқлари сақланиб қолган ва ҳозирги кунда ҳам уларнинг айрим элементлари исломий маросимлар билан қоришиб, яшаб келаётганини кузатиш мумкин. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, исломдан олдинги маҳаллий диний масканлар ва муқаддас жойларда кейинчалик мусулмон азиз-авлиёлари, диний пешволари номи билан аталган муқаддас зиёратгоҳлар, мозорлар пайдо бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, исломий азиз-авлиёлар номлари билан аталган муқаддас зиёратгоҳлар



асосан қадимий қишлоқлар ҳамда масканларда жойлашган бўлиб, улар билан боғлиқ афсона ва ривоятларда ислом тарғиботчилари келгунга қадар бу масканларда ғайридинлар ёки мажусийлар яшаганликлари, улар ислом лашкарлари билан жанг қилиб, мағлубиятга учраганликлари ёки жангларда ислом тарғиботчилари шаҳид бўлганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Воҳадаги мавжуд зиёратгоҳларни уларни муқаддаслаштириш мазмун ва моҳиятига қараб шартли равишда қуйидаги тартибда таснифлаш мумкин :

1. Қадимий диний қарашлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар – Санги арўс, Санги Навишта, Олучамазор, Шахи курўла, Қулфи занжиркушо.

2. Сўх дарёси Пири ҳамда булоқ Пирлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар – Мазори Эр-Хубби, Йигит Пирим, Сарик Ота, Ҳавзи морон, Ҳавзи келинчак, Чашмаи Сўх.

3. Ҳазрати Али ва унинг авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар – мазори Ҳазрати Али, Ҳазрати Хурўсон (Бобои Хуросони), Ҳазрати Бобо, Мазори Кенжа Вали.

4. Етти Хўжалар – «Ҳафт додарон» билан боғлиқ зиёратгоҳлар – Хўжаи Калон, Хўжаи Кабўдпўш, Хўжаи Туш, Хўжаи Муродбахш, Хўжаи Рўшнои, Хўжаи Хор, Хўжаи Абулқосим, Хўжаи Орифи Моҳи Тобон.

5. Аёллар ва қизлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар – Мазори Чилдухтарон, Олучамазор, Тулбиби, Хурбиби.

Муқаддас зиёратгоҳлар ўтмишда фақат маънавий-ахлоқий тарбия ўчоқлари вазифасини бажарибгина қолмай, балки халқимизнинг маънавий меросини ўзида сақлаб, бизнинг авлодларимизга етказишда ўзига хос воситачилик вазифасини ҳам ўтаган. Чунончи, табаррук қадамжолар билан боғлиқ халқ ижодиёти дурдоналари – турли ривоят ва афсоналар, қизиқарли саргузаштлар шаклида асрлар



давомида сақланиб, мазмунан бойиб бизнинг кунларгача маънавий мерос сифатида сақланиб қолган. Уларнинг илмий таҳлили, таснифланиши фольклоршунослар, элшунослар, дин тарихини ўрганувчилар олдида турган муҳим вазифадир. Шунингдек, муқаддас зиёратгоҳларда қурилган иморат, мақбаралар халқ хунармандчилигининг ноёб қирралари акс этган бой моддий ёдгорликларимиз намуналаридир.

Зиёрат урф-одатлари, халқона маросимлар ёш авлодни, халқимизни ўзига хос шарқона одоб-ахлоқ, этика, тартиб-интизом руҳида тарбиялашда мактаб вазифасини бажаради. Халқимизнинг фалсафий дунёқарашини, экологик маданиятини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги билимларини ўрганишда муқаддас жойлар билан боғлиқ удумлар муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади.



## ШУКРОНАЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН

(Хулоса ўрнида)

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришганига йигирма икки йил тўлди. Тарих олдида бу йиллар бир лаҳзадек туюлиши мумкин. Аммо ушбу қисқа муддат давомида иқтисодий-ижтимоий, маънавий жабҳаларда, халқимизнинг турмуш тарзида мисли кўрилмаган, асрларга татигулик туб ўзгаришлар юз берганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» ўзининг яшовчанлигини, халқимизнинг миллий менталитетига, мамлакатимизнинг ички ва ташқи имкониятларига мос эканлигини исботлади.

Кўп миллатли давлат саналадиган республикамызда 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари дўстона, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик билан яшаб келмоқдалар. Мамлакатимизда ҳар бир фуқаро динидан, тилидан, миллатидан қатъий назар қонун олдида тенг ҳуқуқли саналади. 7 тилда таълим-тарбия жараёни йўлга қўйилганлиги, оммавий ахборот воситаларининг турли тилларда иш олиб бориши, виждон эркинлигига, диний эътиқодга, турли конфессиялар фаолиятига кенг йўл берилиши орқали миллат ва элатларнинг бир ёқадан бош чиқариб, тотув яшашлари учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратилди.

Мисол учун, биргина Сўх туманида 28 та умумий ўрта таълим муассасаларида, 3 та коллеж ва академик лицейларида давлат тили қаторида тожик тилида ҳам таълим-тарбия олишга шароит яратиб берилган. Шунингдек, туман «Садои



Сўх» рўзномаси тожик тилида чоп этилади, маҳаллий телекўрсатувлар ҳам тожик тилида олиб борилади.

Бугун қишлоқ аёллари ҳар вақтдагидан ҳам фаол. Улар мамлакатимиз, маҳаллаларимиз ҳаётида кечаётган туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқдалар. Кимдир ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, юртдошларини иш билан таъминлаётган бўлса, кимдир фермерлик билан банд, яна кимдир маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида, бошқарув муассасаларида фаоллик кўрсатмоқда.

Истиқлол туфайли халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми саналмиш урф-одат, анъана ва маросимларимиз қайта тикланиб, миллий меъморчилик обидалари намуналари ҳисобланмиш муқаддас зиёратгоҳлар обод қилинди. Диний маросимларимиз эмин-эркин ўтказилмоқда, муборак ҳаж сафарлари ташкил этилмоқда.

Тинчлик, фаровонлик самараси бўлган мўл-кўлчилик неъматларини асраш, қадрига етиш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик мақсадида Сўх тумани ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида тўй-маъракаларни тартибга солиш бўйича жамоатчилик ишчи гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан маросимларни ихчам, камхаражат ўтказиш бўйича тарғибот ишлари кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлганидек, Сўх туманида ҳам катта бунёдкорлик, ободончилик ва яратувчанлик кайфияти ҳукм сурмоқда.

Янги, мухташам ва бир-биридан чиройли бинолар, кенг йўллар, замонавий ўқув масканлари қад ростлаб туманнинг гўзал табиати чиройига чирой қўшмоқда.

Нуронийларимиз юртимиз тинчлиги, турмушимиз



фаровонлиги, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлиги, янги типда бунёд этилаётган масканларнинг ободлигидан қувониб, дуога қўл очар эканлар, «Илоҳим, истиқдолимиз абадий бўлсин! Тинч-тотувлигимизга, аҳиллигимизга кўз тегмасин!» дея шукроналик, мамнунлик ҳамда миннатдорлик туйғулари билан яшамоқдалар. Албатта, барча сўхликлар уларнинг бу тилакларига чин дилдан қўшилган ҳолда, келажакка ишонч билан қадам қўймоқдалар.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Каримов И.А. Ватан туйғуси.–Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1999.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
5. Абдулахатов Н. Зиёратгоҳлар ва ўзбек ментал тафаккурининг шаклланиши// ФДУ: Хабарлар. №4. 2006. Б. 43-47.
6. Абдулахатов Н. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (По материалам святых мест Ферганского вилоята). – Ташкент, 2008. 30 с. (Автореферат).
7. Авеста. Избранные гимны. Перевод с авестийского и комментарии профессор И.М.Стеблин-Каменского. – Душанбе: «Адиб», 1990.
8. Авесто. Яшт китоби //М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: «Шарқ», 2001.
9. Баевский С.И. Географическое название в ранних персидских толковых словарях (XI – XV вв). //Страны и народы Востока. - Вып. 22, - Москва, 1980.
10. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. –М., 1970.
11. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. -Тошкент, 2011.
12. Бобур З. М. Бобурнаме (Записки Бобура). - Ташкент, 1958.
13. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. - Соч. том 1. Москва, 1963.
14. Бойс М. Зороастрийцы: верования и обычаи. – Москва:



«Наука», 1987.

15. Воронец М.Э. Каменное изображение змей из кишлака Сох Ферганской долины //Краткое сообщение института истории материальной культуры АН СССР. №66. – Москва, 1956.
16. Джахонов У. Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX – начале XX в. – Душанбе: «Дониш», 1989.
17. Джураев Ф. Жизнь как мгновение... – Бишкек: «Алтын тамге», 2008.
18. Древние авторы о Средней Азии. Хрестоматия. (под. ред. Н.Баженева). Ташкент, 1940.
19. Зимин Л. Краткая историческая справка о древнем Сохе //Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии. – Ташкент, 1914 г. – XVIII. – с.21-23.
20. Ибн Хавкал. Китаб – сурат –ал – арз. МИИК. – Москва, 1973.
21. Исламов У. Обиширская культура. Ташкент: «Фан», 1980.
22. Истахри. Китаб масалик ал Мамалик //Перевод извлечений с персидкого З.Н.Вороженкиной. Материалы по истории Киргизов и киргизии. – вып. 1. - Москва, 1973.
23. Кисляков Н.А., Таджики долины Соха. Труды АН Тадж., том 17, 1953.
24. Кузнецов П. О таджиках Кокандского уезда //Изв. Туркестанского отдела Русского Геогр. общества. т.ХII. – вып. 2. – Ташкент, 1916.
25. Массон М.Э. Из воспоминаний среднеазиатского археолога. – Ташкент, 1976. – с.123-126.
26. Мушриф М. Ансоб ус - салотин ва таворих – ул – ҳавокин (Қўқон хонлиги тарихи). – Тошкент, 1995.
27. Росторгуева В.С. Очерки по таджикской диалектологии. Южно- ферганские говоры (Риштан и Сох) и говоры Ура-





- тюбинской группы. – вып. IV. – Москва, 1961. С. 223.
28. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори (Ўзбек фольклори очерклари). – Тошкент, 1986.
29. Снесаров Г. П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – Москва, 1983.
30. Снесаров Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва, 1969.
31. Согдийские документы горы Муг. – вып. 2. – Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – Москва, 1962. – с. 17-24.
32. Суфиев У.М., Фольклор – манбаи муҳими тарихии этнографи. – Армуғон. – Душанбе: «Дониш», 1989. – с. 137-143.
33. Суфиев У.М., Свадебная обрядность таджиков долины Соха: Традиции и инновации. – Ленинград, 1991.
34. Суфиев У.М., Территориальные этнографические особенности и общетаджикские параллели свадебной обрядности таджиков долины реки Сох – Краткое содержание Среднеазиатских чтений – Санкт-Петербург, 1993.
35. Суфиев У.М., Обряды и обычаи связанные с традиционной свадебной одеждой жениха и невесты у таджиков долины Сох. – Этнография Таджикистана. – Душанбе: «Дониш», 1994.
36. Суфиев У.М., Дехвайрон андар Сухи бостон. – Тошкент, «Наврӯз», 2011.
37. Сухарева О. А. К вопросу о культе мусульманских святых в Средней Азии// Труды института Истории и археологии. – Ташкент, 1950. Т. II. С. 159-172.
38. Турсунов Н.О. Сложение и пути развития городского и сельского населения Северного Таджикистана XIX и начало XX веков. – Душанбе: «Ирфон», 1976. С. 302.
39. Турсуни Назиржон., Истаравшан. – Душанбе: «Ирфон», 1992.

40. Фарғона журналистикаси. – Тошкент, «Шарқ», 2008.
41. Федченко А.П., Путешествие в Туркестан. – т. 1, ч. 2, СПб – Москва, 1875. – 160.
42. Юлдошев А. Южная Фергана в средневековых письменных источниках. – Душанбе, 2000.
43. Ҳамза Камол. История мазаров Северного Таджикистана. – Душанбе, 2005.
44. Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари. – Тошкент, 2001.
45. Ҳудуд- ул - олам. – Душанбе: «Ирфон», 1989.
46. Жаҳонов У. Тарихи Сўх – Хужанд, 1995.
47. Жўраев Ф., Кошонои умед.– Исфара, 1995.

## Мундарижа

Жаннатмонанд Сўх ( <i>Иқбол Мирзо</i> ) .....	3
Туман ҳақида умумий маълумотлар .....	4
Жаннатмакон сўх: кеча ва бугун ( <i>Ф.Зоҳидов</i> ) .....	5
Табиати ва жуғрофий жойлашиши .....	9
Илк тамаддун бешикларидан бири .....	11
Ҳосилингизга барака, миришкорлар!.. .....	25
Қўли гул хунарманду косиблар маскани .....	32
Тадбиркорликка кенг имкониятлар .....	34
Қишлоққа саноат кириб келмоқда .....	37
Бунёдкорлик ишлари қизгин .....	42
Соғлом ҳаёт – соғлом авлод демак .....	45
Дунё иморатларининг энг қадрлиси... .....	48
Келажагимиз билимли ёшлар қўлида .....	53
Сўх қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи .....	54
Сўх ижтимоий, иқтисодий ва педагогика касб-хунар коллежи .....	57
Сўх агросаноат касб-хунар коллежи .....	59
Фарғона политехника институти қошидаги сўх академик лицейи .....	62
«Камолот»нинг ойдин йўллари .....	65
Нуронийлар ҳар ишда ибрат .....	68
Миллий қадриятларимиз бешиги .....	75
Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун... .....	81
Даврнинг ёрқин ойнаси .....	84
Маданият ва санъат дурдоналарини эъзозлаб .....	91
Спортдаги шахдам одимлар .....	95
Илм-фан, адабиёт – тараққиёт омили .....	99
Муқаддас зиёратгоҳлар .....	104
Шукроналик туйғуси билан .....	108
Фойдаланилган манбалар .....	111

*Тарихий-публицистик нашр*

**Ўринбой СЎФИЕВ**

**СЎХНОМА:**

*тарих ва истиқлол одимлари*

Муҳаррир:	А.Содиқов
Техник муҳаррир:	Н.Ҳошимов
Саҳифаловчи:	С. Ҳасанов

*Китобда А.Шарипов олган суратлардан фойдаланилди*

Нашриёт лицензияси. АИ №162. 2009 йил 14 август.

Теришга берилди: 20.08.2013 й. Босишга рухсат  
этилди: 25.11.2013 й. Нашриёт босма тобоғи 9,75. Шартли  
босма тобоғи 10,0. Қоғоз бичими 70x100<sub>1/16</sub>. Palatino Linotype  
гарнитураси. Офсет усули. Адади: 1000 нусха.  
Буюртма № 292. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Фарғона» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«КО‘НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонаси.

100097. Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.